5 ФЕВ 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 30 (20. 597) • 1990 йил 4 февраль, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

XII БЕШ ЙИЛЛИК

Ўзбекистон ССРнинг 1989 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти

САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ—БОШ МЕЗОН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТАТИСТИКА КОМИТЕТИНИНГ АХБОРОТИ

1989 йилда республикада иқтисодиётнинг структурасини қайта қуриш, уни ижтимоий соҳага бориб юбориш соҳасидаги тадбирлар амалга оширилиши натижасида истеъмолга ва ноишлаб чиқариш қурилишига сарфланган ресурсларнинг улуши кўпайди. Ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришнинг илдамроқ ўсишига эришилди. Мудофаа саноати корхоналарини халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга жалб этиш бошланди. Миллий даромадда жорий истеъмол ва ноишлаб чиқариш қурилиши учун ресурсларнинг улуши аввалги йилдаги 91 процентдан 92 процентга етди. Халқ фаровонлигини ошириш тадбирлари рўёбга чиқарилмоқда. Пенсияларнинг энг оз миқдори кўпайтирилди.

Хўжалик юритишнинг янги усулларини жорий қилиш жараёни давом этди. 1989 йилнинг охиригача 20 та саноат корхонаси, 82 та қурилиш ташкилоти, 566 та чакана савдо корхонаси, 465 та умумий овқатланиш корхонаси ва бошқа бир қанча корхоналар ижара пудратига ўтиб ишлади.

Шу билан бирга республика халқ хўжалиги мураккаб шароитларда ривожланди. Пул муомаласи, товар ва пул миқдорининг мувозанати ёмонлашди. Энг муҳим молларнинг камчиллиги кучайди. 1988 йилга нисбатан ижтимоий меҳнат унумдорлиги пасайди. Республика иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти йиллик планининг бир қанча энг муҳим кўрсаткичлари бажарилмади, буни қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин:

	1989 йил: план ёки олд режа	1989 йил: амалда ишлаб чиқарилган	1989 йилда 1988 йилга нисбатан фоиз ҳисобида (таққослама нархларда)
Саноат маҳсулоти, аввалги йилга нисбатан фоиз ҳисобида	105,9		103,6
Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш (спиртли ичимликлар бу ҳисобга кирмайди), чакана нархларда	10,6	10,5	107,0
шу жумладан:			
Озиқ-овқат моллари	4,3	4,1	102,6
Саноат моллари	6,3	6,4	110,0
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти (таққослама нархларда)	11,5	10,4	95,4
Ишга туширилди:			
асосий фондлар (смета қиймати)	7,5	7,0	99,4
уй-жой бинолари, умумий сатҳи миллион квадрат метр		8,6	103,8
капитал маблағ (смета қиймати)	7,5	7,5	99,6
Умумий фойдаланишдаги транспортда юк ташиш (жўнатиш), миллион тонна	376,0	379,2	101,0
Умумий фойдаланишдаги транспортнинг пассажир оборoти, миллион пассажир-километр		35,0	99,2
Халқ хўжалигидаги фойда	6,2	6,9	106,2
Ишчи ва хизматчилар сони, миллион кишi	5,2	5,1	100,3
Халқ хўжалигида иш ҳақи фонди	11,3	11,5	104,9
Ишчи ва хизматчиларнинг пул билан оладиган ўртача ойлик иш ҳақи, сўм	182,5	190,4	104,6
Колхозчиларнинг колхозлар жамоат хўжалигидаги ўртача ойлик меҳнат ҳақи, сўм	143,0	148,5	99,3
Ижтимоий истеъмол фондларидан аҳолига берилган тўловлар ва имтиёзлар	7,8	8,4	106,4
Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборoти	16,2	16,4	108,7
Аҳолига кўрсатилган пулли хизматлар	1,9	1,9	110,2

Ҳосил қилинган миллий даромад йил давомида 2,9 фоиз кўпайиб, 21,2 миллиард сўмни ташкил этди. Ҳосил қилинган миллий даромадни кўпайтириш суръати режалаштирилганидан камроқ бўлди.

Саноат маҳсулоти аввалги йилга нисбатан 0,9 миллиард сўмлик кўп ишлаб чиқарилди.

Республиканинг молиявий аҳволини соғломлаштириш юзасидан ўтказилган тадбирлар бюджет даромадларини оборот солиғининг пландан ортиқча тушиши ҳисобига 145,1 миллион сўмлик миқдорида кўпайтириш имконини берди. Бюджет маблағлари тобора кўпроқ ижтимоий соҳага бориб юборилмоқда: жами харажатлардан 50,1 фоизи ижтимоий-маданий тадбирларни пул билан таъминлашга ва 43,1 фоизи халқ хўжалигини пул билан таъминлашга ишлатилди.

Шу билан бирга республиканинг молиявий аҳволи мушкул бўлиб турибди.

Давлат бюджетининг харажатлари унинг даромадларидан кўра 2,5 пункт миқдорида илдамроқ ўсди. Ҳали ҳам оборот солиғининг ўсиши тўла равишда вино-арақ маҳсулотларини сотиш йўли билан таъминланмоқда.

1989 йилда аввалги йилга нисбатан кўпроқ фойда олинди, бироқ ҳар тўрт саноат корхонасининг ва қурилиш ташкилотининг бири молиявий натижалар юзасидан белгиланган планни бажармади, уларнинг беш фоизи эса зарарга йўл қўйди. Республика хўжаликларида ўз оборот маблағлари етишмаяпти, бу ҳол Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети системасида, айниқса, кўплаб учрамоқда.

Пулнинг қадрсизланиш жараёнлари кучаймоқда. Янги пулни муомалага чиқариш кўпаймоқда.

ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШ

Республика аҳолиси 1990 йилнинг бошларида 20,3 миллион кишига етди. Ўтган йил давомида аҳоли 464,1 минг киши ёки 1988 йилдаги 2,4 фоиз ўрнига 2,3 фоиз кўпайди.

Йил давомида туғилиш умумий коэффициенти — аҳолининг ҳар 1000 кишиси ҳисобига 35,1 чақалоқдан 33,2 чақалоққа тушиб қолди. Ўлиш кўрсаткичлари 1000 киши ҳисобига 6,8 кишидан 6,3 кишига тушди.

(Давоми иккинчи бетда).

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

ҚУРУВЧИЛАР ҒАЙРАТИ

✦ Зомин районидаги 71-механизациялашган кўчма колоннада Я. Норматов бошлиқ қурувчилар бригадаси ўтган йил якунларига кўра мусобақа ғолиби деб топилди.

Улар пландаги 10 минг сўм ўрнига 12 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариб, шундай муваффақиятга эришдилар.

Колоннада ишчиларга ғамхўрлик кўрсатилиши туфайли иқтисодий-техника кўрсаткичлари юқори бўляпти. Айни кунларда бу ерда бригадаларо социалистик мусобақа кенг авж олдирилмоқда. Меҳнат беллашувида Я. Норматов бошлиқ бунёдкорлар коллективи илғорликни қўлдан бермаяпти. Бригаданинг Б. Қўшоров, С. Оқмуродов, Б. Абдуллаев, Х. Холбоев каби азаматлари ғайрати туфайли Бирлашган қишлоғида яна 7 та коттеж-уй қурилиб, фойдаланишга топширилди.

И. ЮНУСОВ,
Сирдарё области.

●

ПАХТА ТОЗАЛОВЧИЛАР АҲДИ

✦ Бўз пахта тозалаш заводи коллективи 1991 йил ҳисобига меҳнат қиляпти.

Коллективда илғорлар ҳаракати авж олмоқда. Пахта тозаловчилардан А. Ашурматов, И. Жўраев, И. Мўминов кабилар смена топшириқларини 105-110 фоизга етказиб адо этишяпти.

Завод ўтган йили район хўжаликларидан 27.200 тонна «оқ олтин»ни қабул қилиб олганди. Айни пайтда ғарамланган ҳосилни тўла сақлашга эришилди.

— Мамлакатимиз тўқимачилик марказларига юқори сифатли тола етказиб бериш биз, пахта тозаловчиларнинг байналмилал бурчимиздир, — дейди завод директори О. Мамадалиев. — Ҳозиргача 5 минг тоннага яқин пахтани қайта ишлаб, толасини саноат корхоналарига жўнатдик.

Пахта тозаловчилар барча ҳосилни 15 апрелгача қайта ишлашга аҳд қилишган.

Ш. ҲОШИМОВ,
Андижон области.

ЎЛКАМИЗ БОҒЛАРГА БУРКАНСИН!

Мевали ва манзарали ниҳоллар экиш, токзорлар ва ўрмонлар барпо этиш икки ойлигига бағишланган кенгаш қатнашчиларининг Ўзбекистон аҳолисига

МУРОЖААТНОМАСИ

Яхши ният билан...
Ғ. АЛИЕВ сурати.

Ҳурматли дўстлар!

Инсон қадим-қадимдан ўз орзу-умидларини баҳор билан, уйғонаётган она ер билан боғлаб келган. «Ер тўйса — эл тўяди» деган нақл бор. Бу халқона нақлда қанчалик муҳаббат ва шукроналик мавжуд. Заминимизда нимаики ўсаётган ва яшаётган ҳамда у бизни едириб-ичираётган экан, ҳаммамиз унинг ҳаётбахш куч-қудрати олдида қарздормиз.

Ватан деб аталмиш заминимизнинг нақадар гўзаллигини, бойлигини, гуллаб-яшнаётганлигини ва биз учун ниҳоятда қимматли эканлигини ҳар қачонгидан кўра чуқурроқ ҳис этиб турибмиз. Бу туйғу бобокалонларимиз яшаб ўтган ўз ўлкамизга, инсонни янада қатъиятли, гўзал, мурувватли, бу юртда нимаики содир бўлса ҳаммасига масъул этувчи халқимиз тарихига дахлдордир. Табиат, Ватан, халқ тушунчаларининг битта илдиздан томир отганлиги бежиз эмас.

Ўзбекистон — ноз-неъматларга бой ўлка. Сув ва яшиллик оламини ўзининг ишончли иттифоқчиси деб билиб, ерни асрлар давомида ардоқлаб келган кўплаб аждодларимизнинг беқиёс меҳнати уни шундай диёрга айлантирди. Бу анъана авлодлардан авлодларга ўтиб келмоқда.

Март ва апрель кунларида бўладиган кўкламзорлаштириш ва ободонлаштириш икки ойлигида биз бу анъанани давом эттирамиз. Ширин мевалар билан одамларни тўйғизадиган ҳар бир дарахтни халқимиз нақадар қадрлаши ва ардоқлашини яхши биламиз.

Республикамизнинг минглаб аҳолиси — ёшу қари ҳар баҳорда шаҳарлар, қишлоқлар ва бошқа истиқомат жойларида қалб амри билан миллионлаб мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экади, ҳовлиларни, кўча ва хиёбонларни, истироҳат боғларини кўкламзорлаштиради.

Она табиатнинг гўзаллигига гўзаллик қўшиш ва сақлашдан, уни фарзандларча меҳр билан авайлаб асрашдан ҳам хайрли иш борми? Келинглар, чор атрофга назар ташлаб, ўзимизга ўзимиз савол берайлик: биз ҳаммамиз инсон ва табиат ўртасидаги уйғунликни тиклаш учун қандай ҳисса қўшдик, ўйламай қилинган хатти-ҳаракатлар туфайли унга етказилган заҳани даволай олаяпмизми, ўзимиз яратган нарсани омилкорлик билан сақлашга қодирмизми? Ахир ўрмонлар, яшиллик на фақат шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўрки, заминимиз ҳавосини мусаффолаштирувчи манбаа, айни вақтда инсон соғлигига самарали таъсир этувчи, қалбимиз оғриғини даволовчи шифокор ҳамдир. Улар — табиат бойликлари: мевалар, паррандалар ва жониворлар масканидир. Демак, ўрмон ва яшиллик олами — кўнгилли дам олиш ва саломатлигимиз гарови, хуллас инсон истиқомат қиладиган муҳитдир.

Республикада ҳар йили 100 миллиондан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилади. Афсуски, етарли эътибор берилмаслиги натижасида уларнинг аксарияти қуриб қолмоқда. Табиат бундай лоқайдликка тоқат қилолмайди. Ўлкамизда инсон қўли ва қалби файз киритмаган жойлар ҳали оз эмас. Буни тушунган ҳар бир киши ерга ҳаёт бахш этиш учун қўлига кетмон, белкурак ва челак олиши табиий. Негаки, халқимизда қадим-қадимдан хайрли анъана мавжуд: ҳонадонда чақалоқ туғилса унга атаб 21 туп терак ўтказилади. Бобокалонларимиз ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик тарбияси моҳиятини аҳлан ва дил-дилдан фаҳмлаганликлари бежиз эмас.

Бугунги кунда болаларимиз ва невараларимизга қандай мерос қолдиришимиз ҳақидаги масалани дангал ҳал қилишимиз лозим: уларга фаровон ва гуллаб-яшнаган воҳа қолдирамизми ёки бийдек саҳроми?

Табиатга эҳтиёткорлик ва тадбиркорлик билан муносабатда бўлиш, атроф-муҳит муҳофазаси ҳақида қайғуриш Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир кишининг ватанпарварлик бурчи, гражданлик ҳуқуқидир. Биз ўз заминимиз, ўз Ватанимиз тақдирига бепарво қарашга ва лоқайд бўлишга ҳаққимиз йўқ!

Ҳозирги икки ойлик Улуғ Ватан урушида эришилган Буюк Ғалаба кунига тайёргарлик кўрилаётган бир даврда бўлади ва бу асрлар қаъридан бизгача етиб келган баҳор байрами — Наврўз кенг нишонланаётган пайтга тўғри келмоқда. Маълумки, Наврўз халқнинг она ерга бўлган муҳаббатини, унинг саховатига фарзандларча муносабат туйғусини ўзида мужассам этган. Дала ишлари шу байрамдан бошланган. Наврўз яна миллий тантанага айланиши, меҳнатсеварлик, раҳмдиллик, мурувватли бўлиш, ўзаро ҳурмат сингари азалий ахлоқий қадриятларни тарбиялашга ва мустаҳкамлашга ёрдам бериши шубҳасиз.

Ўрмонлар, боғлар ва гулзорлар билан безанган ўлкада инсон ўзини бардам сезади, одамлар ўртасидаги муносабат самимий ва дил-дилдан бўлади. Бизнинг она еримиз ана шундай бўлиб қолсин, унда халқлар ўртасида дўстлик ва тинчлик ҳукмронлик қилсин.

Биз уни шундай масканга айлантирамиз, унинг ҳар бир қаричини, ҳар бир бурчагини кўкламзорлаштириш ва обод қилиш учун кун сайин ғамхўрлигимизни ошираверамиз.

Биз республикамизга кийдиражак яшил либос нафақат уни безайди, балки ғармсел ва чанг-тўзон йўлига яшил қалқон бўлади, бебаҳо оби-ҳаётни сақлашга кўмаклашади, турар-жойларимизга салқинлик ато этади, бизнинг танқис дўстларимиз — паррандалар ва ҳайвонларга қулайлик яратади.

Ҳар бир ҳовли, ҳар бир маҳалла ва ҳар бир даҳа бизнинг ғайратимиз туфайли оромбахш масканга, дам олиш ва ширин суҳбат гўшаларига айланиши керак.

Шаҳар ва қишлоқларимиз яшил либосга бурканиши, манзарали буталар билан зеболаниши, ҳувиллаб ётган ҳар бир қарич еримиз дастурхонимизга яхшигина ноз-неъмат инъом этадиган ҳосилдор боғлар ва узумзорларга айланиши ўта муҳимдир.

Партия ва ҳукуматимизнинг пахта майдонларини қисқартириш, томорқа ерларини кенгайтириш ҳақидаги қарори республикада боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш учун катта туртки бўлди. Икки ойлик жараёнида янги боғ-роғлар, кўкламзорлар барпо эта туриб, халқ селекцияси яратган ўрик, шафтоли, ёнғоқ, олма, нок, анор ва жийдаларнинг ажойиб навлари шуҳратини янада оширишимиз лозим.

Ниҳол экилгач, у ўз-ўзидан ҳосил бермайди, албатта. Боғ худди гўдакка ўхшайди. Унга меҳр билан қараш, ғамхўрлик қилиш ва уни доимий парваришлаш керак. **Ўтказилган ниҳолларга ва кўкламзорларга меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, аниқ одамларни бириктириш муҳимдир.** Ҳаётнинг ўзи бу ишларни кенг кўламда олиб боришни, табиат бойликларини авайлаб асраш ва кўпайтиришга катта-кичикни, Ўзбекистондаги ҳар бир кишини жалб этишни тақозо қилмоқда.

Биз саховатли заминимизда яшаётган ҳар бир кишига мурожаат этиб, уларни боғлар, токзорлар ва ўрмонлар яратиш ишида фаол қатнашишга чақирамиз. Фақат манфаатли ҳамкорликкина ҳар йили юз миллион тупдан ортиқ кўчат ўтказиш имконини беради. Маҳаллий Советларнинг депутатлари, совет идоралари, корхона ва ташкилотларининг раҳбарлари! Ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларини энг мақбул муддатларда муваффақиятли якунлаш сизнинг куч-қувватингиз, ташаббусингиз, икки ойликнинг нақадар муҳимлигини теран англашингизга боғлиқ.

Уруш ва меҳнат ветеранлари, колхозчилар ва совхоз ишчилари, қишлоқ аҳолиси ва шаҳарликлар! Боғлар, узумзорлар, истироҳат боғлари ва хиёбонлар яратишда, кўча ва ҳовлиларни кўкламзорлаштиришда фаол қатнашингиз. Бу республикамизда яшовчи ҳар бир одамнинг гражданлик бурчи эканлигини ёдда тутайлик.

Комсомоллар, йигит ва қизлар, талабалар, пионерлар ва мактаб ўқувчилари! Болалар боғчалари, мактаблар, олий ўқув юртлари ва техникумларни, стадион ва спорт комплексларини ям-яшил масканга айлантирайлик. Мактаб ўрмончилиги, «яшил» соқчилар тўгаракларини ташкил қилинг. Ҳар бир боғ, хиёбон ва ҳар бир дарахтни ўз қарамоғингизга олинг.

Бу ишда кўчат етиштириб берувчи ташкилотлар ва ўрмон хўжалиги ходимлари фаол қатнашишлари лозим. Улар икки ойлик қатнашчиларини турли хил сифатли кўчатлар билан таъминлашлари керак. Савдо ходимлари, ярмаркалар ташкил қилинг, аҳолига керакли ниҳолларнинг кенг савдосини уюштиринг.

Токи ушбу икки ойлик республикамизда бизнинг чанг-тўзондан, жазирама иссиқдан, шовқин-сурондан ҳимоя қиладиган, шаҳар ва қишлоқларимизга сайроқи қушлар навосини қайтаришга ёрдам берадиган илмий асосланган кўкламзорлаштириш системасини яратишни бошлаб берсин. Биз бу ишда олимлар, селекционерлар, коммунал хизмат ва кўкламзорлаштириш ходимларининг ҳар томонлама фаол кўмак беришларини кутамиз.

Матбуот, радио ва телевидение ходимлари, ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш икки ойлиги қандай бораётганлигини кенг ва ёрқин ҳикоя қилинглар. Илғорлар тажрибасини қатъият билан атрофлича ёритинглар, ишёқмас ва боқибеғамларни қаттиқ танқид қилинглар.

Юртдошлар!

Шундай ишлайликкки, токи бу меҳнатимиз, оммавий ҳашаримиз ўлкамизни яшил либосга буркасин, унинг кенгликларида хонадонларимиз — она заминимиз гўзаллиги ва фаровонлиги рамзи бўлиб боғлар ва ўрмон шовуллаб турсин!

КОНЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев 2 февраль куни мамлакатнинг асосий кўмир ҳавзалари кончиларининг катта группаси билан учрашди. Ошкора суҳбат чоғида қайта қуриш, жамият ва партия ҳаётининг туб масалалари тилга олинди.

«Якутуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Нерюнгирский» разрези саралаш фабрикаси касаба союз комитетининг раиси С. А. Дубинин, шу бирлашмага қарашли «Кангаласский» разрези экскаватор машинисти Н. М. Пастухов, «Кочегарка» шахтасининг порлатувчи устаси, «Артемуголь» бирлашмаси меҳнат коллективи кенгашининг раиси К. Г. Фисенко, «Свердловантрацит» ишлаб чиқариш бирлашмаси кон монтажи бошқармасининг участка механиги А. В. Фомин ўй-фикрлари, танқидий мулоҳазалари ва таклифлари билан ўртоқлашдилар.

Учрашув сўнггида М. С. Горбачев нутқ сўзлади ва кўплаб саволларга жавоб қайтарди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. Н. Слюньков, КПСС Марказий Комитети секретари И. Т. Фролов қатнашдилар.

Учрашув тўғрисидаги батафсил ҳисобот «Правда» газетасида эълон қилинади.

(ТАСС).

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

2 февраль куни Тошкентда давлат мукофотларини топшириш маросими бўлди.

Ўн ва ундан кўп бола туғиб тарбиялаган аёлларга «Қаҳрамон она» орденлари топширилди.

Бир гуруҳ ўртоқлар гидроэнергетикани ривожлантиришга шахсий ҳисса қўшганликлари, Совет—Ҳиндистон фестивалларини тайёрлаш ва ўтказиш борасида катта ишлар қилганликлари учун СССР орден ва медалларига сазовор бўлдилар.

Республиканинг турли фахрий унвонларига сазовор бўлган ишчиларнинг ва зиёлилар вакилларининг катта бир гуруҳига мазкур унвонларнинг тегишли кўкрак нишонлари ва гувоҳномалари топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари ҳам топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров тантанали вазиятда юксак мукофотларни топширди.

(ЎзТАГ).

18 ФЕВРАЛЬ ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ КУНИ

Беором қалб

Жўрабой Болтабоев 422-Бағдод сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинди.

Эл эъзозига сазовор беором қалб эгаси ҳақида барча самимий фикр билдиряпти. Бунинг сабаби битта: у етти ёшдан етмиш ёшгача кишиларга бир хил муомалада бўлади, қўлдан келган ёрдамини аямайди.

Номзоднинг ҳаёт йўлига назар ташлаймиз. У Улуғ Ватан уруши жангоҳларида тобланган. Мактабда муаллимлик қилди. Қанчадан-қанча фарзандлар унинг қўлида таълим олди. Ҳамқишлоқлари пенсияга узатишди.

Айни кунларда тиниб-тинчимас ветеран Ж. Болтабоев жамоат ишларида фаол қатнашиб, ибрат кўрсатмоқда. У район халқ таълими бўлими қошида тузилган уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси. Муаллимлик даврида қўлига қалам олиб, қишлоқ мухбири сифатида ҳам элга танилган эди. Бугунги кунда ҳам у ўзи севган мавзу бўйича қалам тебратмоқда, мактаблардаги ёш мухбирлар тўгаракларида суҳбатлар уюштирмоқда.

Депутатликка номзоднинг сайловчилари унинг дастуридан мамнун. Районда ҳал этилмаган муаммоларни ҳамқишлоқлари билан ҳамкорликда ечиш Жўрабой акаининг эзгу мақсади.

Суратда: Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод Ж. Болтабоев.
Т. ҲАМРОҚУЛОВ сурати.

ЧОРВАДОРЛАР КЕНГАШМОҚДАЛАР

Аҳолини сут ва гўшт билан қандай қилиб яхшироқ таъминлаш мумкин? 3 февраль куни Фарғонада бўлган республика кенгаши қатнашчиларининг диққат-эътиборида худди шу масала бўлди. Кенгаш гўшт маҳсулотларини кўпайтириш учун озуқа тайёрлаш ва бузоқларни боқиб семиртириш технологиясини такомиллаштириш мавзусига бағишланди.

Учрашув қатнашчилари Фарғона областининг илғор хўжаликлари билан танишдилар. Тошлоқ районидаги «Партия XXII съезди» номли колхоз сутчилик комплексида бўлдилар, Горький номли колхозда Голландиядан келтирилган молларни кўздан кечирдилар, Охунбобоев район хўжаликлараро чорвачилик корхонаси ҳамда Олтиариқ районидаги «Ленинобод» совхози фермасининг иш тажрибаси билан танишдилар.

Куннинг иккинчи ярмида ялпи мажлис бўлди. Унда республикамизда чорвачиликнинг аҳволи муҳокама қилинди, уни яхшилаш йўллари белгиланди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. И. Икромов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

• ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 1989 ЙИЛДАГИ

САМАРАДОРЛИК ВА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Аҳолини иш билан таъминлаш. 1989 йилда республиканинг меҳнат ресурслари 9,9 миллион кишини ташкил этди ва йил давомида 240 минг киши кўпайди. Халқ хўжалигида 7,6 миллион киши, шу жумладан, давлат секторида 5,3 миллиондан кўпроқ, колхозларда бир миллиондан зиёд киши, кооперативларда (ўриндошлик юзасидан ишлайдиганлар бу ҳисобга кирмайди) ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятида 200 мингдан зиёд киши ишлаб турибди, шахсий ёрдамчи хўжалигида бир миллионга яқин киши меҳнат қилмоқда. 1 миллиондан кўпроқ талаба ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олмоқда. Меҳнатга лаёқатли жами аҳолидан 1,3 миллион киши, шу жумладан, ҳарбий хизматчилар халқ хўжалигида машғул эмас. Меҳнатга лаёқатли бўла туриб, жамоат ишлаб чиқаришида банд бўлмаганларнинг учдан икки қисми уй-рўзғор ишларида ва шахсий ёрдамчи хўжалигида банд бўлган ва болалар тарбияси билан шуғулланаётган аёллардир; 0,6 миллион киши иш жойи ўзгариши, меҳнатнинг мавсумий тусда бўлиши муносабати билан вақтинча ишламаётган кишилар, ишламаётган III группа инвалидлари, шунингдек, ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлайдиган ва бошқа кишилардир.

Бўш меҳнат ресурслари мавжуд бўлгани ҳолда бир қанча корхоналарда ишчилар етишмаяпти. Саноатда 12,2 минг, машинасозлик ва металлга ишлов беришда 4,6 минг, енгил саноатда 4,5 минг, автомобиль транспортида 2,2 минг, қурилишда 16 минг, савдо ва умумий овқатланишда 3,6 минг, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида 4 минг иш жойи бўш турибди.

Товарлар ишлаб чиқарадиган ва хизмат кўрсатадиган кооперативларда (ўриндошлик юзасидан ишлаб турганларни ҳам бирга қўшгачда) 300 мингдан кўпроқ киши ишлади.

Бошқаришнинг ташкилий структураларини такомиллаштириш натижасида бошқарув органлари аппарати ходимларининг сони 1988 йилнинг учинчи кварталига нисбатан 13,4 минг киши ёки 16 фоиз; министрлик ва идораларнинг аппарати 3,1 минг киши ёки 36 фоиз, область даражасидаги аппарат ходимлари 3,4 минг киши ёки 23,4 фоиз камайди.

Аҳолининг даромадлари. Халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчиларнинг пул билан оладиган ўртача ойлик ва иш ҳақи 1988 йилдаги 182 сўмдан 1989 йилда 190,4 сўмга етди.

1989 йилда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот ходимларининг иш ҳақини ошириш давом эттирилди. Олий ўқув юртларининг профессор ва муаллимларига декабрдан бошлаб янги, юқорироқ мансаб окладлари жорий этилди. Бундан ташқари кўмир саноати ходимларига меҳнат ҳақи юзасидан қўшимча имтиёзлар белгиланди. Иш ҳақини оширишга давлат бюджетидан ҳаммаси бўлиб 7,7 миллион сўм сарфланди. Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, савдо, умумий овқатланиш ва материал-техника таъминоти ходимларини ўз маблағлари ҳисобидан янги ставкалар ва окладларга ўтказиш ниҳоясига етказилмоқда.

Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, министрликлар ва идораларнинг, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг, жамоат ташкилотларининг ва бошқа марказий муассасаларнинг аппарати ходимлари мансаб окладлари бошқарув органларини сақлаш харажатларини қисқартиришдан олинган тежам миқдорида оширилди.

Аҳоли ижтимоий истеъмол фондларидан 8,4 миллиард сўм, яъни 1988 йилга нисбатан 502,1 миллион сўм кўп тўлов ва имтиёзлар олди. Буларнинг салкам 45 фоизи пул тўловларидан иборат бўлди.

Аҳолининг пул даромадлари аввалги йилга нисбатан қарийб 3 миллиард сўм миқдорида ёки 14,4 фоиз кўпайди ва планда кўзда тутилганидан 1,2 баравар ошиб кетди. Пул даромадларининг ўсиш суръати уларнинг товарлар ва хизматларга бўладиган харажатлари ўсишидан (9,3 фоиз) 1,5 баравар илдамроқ бўлди.

Аҳолининг СССР жамғарма банки муассасаларидаги омонатлари 1989 йилда қарийб 1 миллиард сўмлик миқдорида кўпайиб 7,1 миллиард сўмга етди.

1990 йилнинг бошларида 2,3 миллион пенсионер бор эди. Қарилик пенсияларининг энг оз миқдори 1989 йилнинг 1 октябридан бошлаб ойига 70 сўмга етказилди. Бу эса 942 минг пенсионернинг, шу жумладан, 612 минг колхозчининг моддий аҳволини яхшилаш имконини берди. I ва II группа инвалидларидан 80 мингдан кўпроқ кишининг пенсиялари энг оз миқдори 85 ва 100 сўмга етказилиб, уларнинг моддий аҳволи яхшиланди, ҳалоқ бўлган ҳарбий хизматчиларнинг 19 минг беваси учун боқувчисидан маҳрум бўлганлик юзасидан ойига камида 60 сўм миқдорида пенсия белгиланди. Шу тадбирларни амалга ошириш харажатлари 1989 йилнинг 4-кварталидагина қарийб 85 миллион сўмни ташкил этди.

3 мингдан кўпроқ оиланинг бюджетларини текшириш маълумотларига қараганда, ишчи ва хизматчиларнинг жон бошига тўғри келадиган жами даромадлари 3 фоиз кўпайиб, ойига 89 сўмни, колхозчиларнинг даромадлари 8 фоиз кўпайиб, 73 сўмни ташкил этди.

Ишчи ва хизматчилар оилаларининг озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилишга сарфланган пули аввалги йилга нисбатан 13 фоиз, саноат моллари харид қилишга сарфлаган пуллари 22 фоиз, колхозчиларнинг оилаларида озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилишга сарфланган пул 6 фоиз кўпайди ва саноат моллари харид қилишга сарфлаган пули аввалги йил даражасида қолди.

Халқ истеъмоли моллари (спиртли ичимликлар ҳам шу ҳисобга киради) 12,1 миллиард сўмлик (чакана нархларда), яъни аввалги йилга нисбатан 1,2 миллиард сўмлик ёки 11 фоиз кўп ишлаб чиқарилди.

Аҳоли учун моллар ишлаб чиқариш структурасида ўзгаришлар рўй бериб, нисбатан қимматроқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Чунончи, енгил саноатда 1989 йилда нархга устама қўйиб сотиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш 16,4 фоиз кўпайди, бошқа молларни ишлаб чиқариш эса атиги 5,4 фоиз ошди. Устама қўйиб сотиладиган моллар улуши енгил саноат маҳсулотлари жами ҳажмининг 27 фоизини ташкил этди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга оид маълумотлар қуйидагилардан иборат:

(чакана нархларда, миллион сўмлик)

	1989 йилда амалда ишлаб чиқарилгани	планнинг бажарилиши, фоиз ҳисобида	1989 йилда 1988 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Халқ истеъмоли моллари	12114,7	102,2	111,1
шу жумладан:			
Озиқ-овқат маҳсулотлари	4120,6	102,3	102,6
спиртли ичимликлар	1639,1	101,3	147,5
Саноат моллари	6355,0	102,3	110,0
шу жумладан:			
енгил саноат моллари	4287,2	100,8	108,6

Аҳоли жон бошига ҳисобланганда 521 сўмлик (спиртли ичимликлардан ташқари) халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

Айрим озиқ-овқат маҳсулотлари бир йилда қанча ишлаб чиқарилгани тўғрисидаги маълумотлар қуйидагича:

	1989 йилда ишлаб чиқарилгани	планнинг бажарилиши, фоиз ҳисобида	1989 йилда 1988 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Гўшт (саноатда ишлаб чиқарилгани), минг тонна	276	101	104
Колбасалар, минг тонна	61	100,7	103
Сариёғ, минг тонна	16,4	109	105
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари (сутга айлантириб ҳисобланган), минг тонна	673	102	103
Маргарин маҳсулотлари минг тонна	29,6	100,2	99,8
Ўсимлик ёғи, минг тонна	513	100,0	103
Қандолатлар, минг тонна	205	104	108
Консервалар, миллион шартли банка	1148	105	95
шу жумладан, мева-сабзавот консервалари	1132	105	95
Минерал сув, миллион декалитр	11,1	101	100,2
Спиртсиз ичимликлар, миллион декалитр	17,6	99	103
Спиртли ичимликлар (мутлақ алкоголга айлантириб ҳисобланган) миллион декалитр	4,0	102	138
Папирос ва сигареталар, миллиард дона	6,1	100,0	86

Озиқ-овқат саноатининг бир қанча корхоналарида 1989 йилда энг муҳим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш планлари 1988 йилда амалда ишлаб чиқарилганидан камроқ бўлди. Шунинг натижасида йиллик планлар бажарилгани ҳолда мева-сабзавот консервалари, маргарин маҳсулотлар, озиқ-овқат концентратлари ишлаб чиқариш аввалги йилги даражага нисбатан камайди.

Айрим саноат молларини ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган топшириқлар қандай бажарилганини қуйидаги маълумотлардан билса бўлади:

	1989 йилда ишлаб чиқарилгани	планнинг бажарилиши, фоиз ҳисобида	1989 йилда 1988 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Ип газлама, миллион квадрат метр	468	87	103
Жун газлама, минг квадрат метр	758	107	108
Шойи газлама, миллион квадрат метр	145	104	105
Трикотаж буюмлар, миллион дона	109	100,6	104
шу жумладан, болалар учун трикотаж буюмлар (Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги)	75	103	104
Пайпоқлар, миллион жуфт	113	99,0	118
Шу жумладан, болалар пайпоқлари (Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги)	51	107	122
Пойабзал, миллион жуфт	43	101	106
шу жумладан, болалар пойабзали (Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги)	26	103	105
Холодильниклар, минг дона	192	100,0	113
Мебель, миллион сўмлик	274	99,3	111
Чинни-фаянс идишлар, миллион сўмлик	77,4	102	108
Синтетик ювиш воситалари, минг тонна	35,3	107	105
шу жумладан, кичик идишларга жойлаштирилгани	28,9	109	102
Кир совун, минг тонна	101	104	102
Атир совун, минг тонна	16,3	102	112

Чакана товар оборот ва пулли хизматлар. Чакана товар оборот плани 101,6 фоиз бажарилди, қўшимча равишда 251 миллион сўмлик моллар сотилди. Қорақалпоғистон АССР, Сурхондарё ва Сирдарё областларидан ташқари барча областлар планни бажарди.

Давлат ва кооператив савдоси чакана товар оборот умумий ҳажми 16,4 миллиард сўмни ташкил қилди ва 1988 йилга нисбатан 1,3 миллиард сўм кўпайди. Товар оборот ўсишининг тахминан учдан бир қисми спиртли ичимликларни сотиш ҳисобига таъминланди. Бевосита аҳолига моллар сотиш (спиртли ичимликлардан ташқари) 932 миллион сўмлик ёки 7 фоиз кўпайди.

Озиқ-овқат маҳсулотларидан нон маҳсулотлари, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, балиқ маҳсулотлари, алкоголсиз ичимликлар сотиш 1—5 фоиз; гўшт маҳсулотлари, чой, ўсимлик ёғи, тухум маҳсулотлари ва картошка сотиш 6—8 фоиз кўпайди, кондитер маҳсулотлари, маргарин маҳсулотлари, сабзавот сотиш 1—5 фоиз камайди.

Ноозиқ-овқат молларидан холодильниклар ва музлатгичлар, шиша ҳамда чинни-фаянс идишлар, мебель, кийим-кечак, газлама, кир совун ва атир совун, синтетик ювиш воситалари сотиш 1—5 фоиз; трикотаж буюмлар, қурилиш материаллари, электр чанг ютгичларни сотиш 6—9 фоиз; рангли телевизорлар сотиш 18 фоиз кўпайди. Велосипедлар ва мопедлар, пойабзал сотиш 2—3 фоиз, радио қабул қилувчи қурилмалар ва мотоцикллар сотиш 6—10 фоиз камайди; кир ювиш машиналари ва магнитофонлар сотиш ўтган йилги даражада қолди.

Баъзи молларни сотиш кўпайганига қарамай, истеъмол бозордаги аҳвол жуда кескинлигича қолмоқда. Эҳтиёж таклифдан ўзиб кетмоқда.

Савдога озиқ-овқат маҳсулотларининг келтирилиши 2 фоиз кўпайди. Бозор фондига гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, балиқ, сельд балиқлари, маргарин маҳсулотлари, кондитер маҳсулотлари, мева-сабзавот консервалари етказиб бериш планлари бажарилмади.

Чакана савдо тармоқларида гўшт маҳсулотлари йўқлиги туфайли республиканинг деярли барча областларида аҳоли бундай маҳсулотларни давлат нархидан 2—3 баравар қимматга, кооператив нархида сотиб олишга мажбур бўлмоқда.

Аҳоли картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари билан қониқарсиз таъминланмоқда, бу маҳсулотларнинг сифати паст.

Олма ва нок ғамлаб қўйиш плани 44 фоиз, картошка ғамлаб қўйиш плани 75 фоиз, сабзавот ғамлаб қўйиш плани 88 фоиз бажарилди.

Умуман республикада савдо учун ажратилаётган дон маҳсулотлари ресурслари аҳолини бундай маҳсулотларни узлуксиз таъминлаш учун етарлидир. Бироқ, сорти юқори ун, гречка ва сули ёрмасига эҳтиёж қондирилмаяпти. Олий ва биринчи сорт ундан макарон маҳсулотлари етарли миқдорда ишлаб чиқарилмаяпти; ширин булочкалар, тешиккулчалар билан савдо қилишда узилишлар бўлмоқда; нон маҳсулотларини магазинлар беркитиладиган пайтда келтириш ҳоллари кўп учрамоқда.

Ўтган йили колхоз бозоридаги нархлар 1988 йилга нисбатан 6 фоиз, шу жумладан, гўшт нархи 2 фоиз, сабзавот нархи 7 фоиз, мева нархи 10 фоиз қимматлашди.

Тиқувчилик буюмларининг кўпгина турлари, трикотаж маҳсулотлар ва айниқса, пойабзал билан савдо қилишда узилишлар бўлмоқда. Аёллар ва болалар колготкалари, эркаклар пайпоқлари, чойшаб, кўрпа ва ёстиқ жилдлари амалда савдода кўринмай қолди.

Холодильниклар ва музлатгичлар, телевизорлар, мебель, идиш-товоқларнинг кўп турлари, парфюмерия-пардоз буюмлари, мактаб ўқувчилари учун дафтар, ҳавони мўътадил қилиш машиналари, электр рўзғор техникаси савдосида тақчиллик кучайди. Сўнгги вақтда гилам ва поёндозлар, заргарлик буюмлари камчил моллар қаторига кириб қолди.

1989 йилда савдога чиқарилган совун ресурслари асосан нормал эҳтиёжларга мос бўлиб, аҳоли жон бошига атир совун ва кир совун аввалги йилдаги 2,7 килограмм ўрнига 3,2 килограммга тўғри келди. Бироқ совунни истеъмолчилар ғамлаб қўйиши давом этмоқда.

Халқ истеъмоли моллари сифатсизлиги ҳамон кўп эътирозларни келтириб чиқармоқда. 1989 йилда республика саноат корхоналарида текширилган ўсимлик ёғи, кондитер ва нон-булка маҳсулотлари, гўшт маҳсулотлари, мева ва сабзавот консерваларининг 4—8 фоизи, сут ва сут маҳсулотларининг 13 фоизи, чойнинг 39 фоизи брақка чиқарилди ва сорти пасайтирилди. Кооперативлар ҳамда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи кишилар тайёрлаётган молларнинг сифати ҳам кўпинча харидорларни қаноатлантирмаяпти.

Моллар нархини рўйхатга олиш негизида ҳисоблаб чиқилган халқ истеъмоли моллари чакана нархлари индекси 1989 йилда 1988 йилга нисбатан 101 фоизни ташкил этди. Мазкур индекс қиёсланаётган маҳсулотлар прейскурант нархларидаги ўзгаришларнигина эмас, маҳсулотнинг истеъмол хусусиятлари ўзгаришига мос келмайдиган нарх белгилашда, шартнома ва муваққат нархлар таъсирида, яъни маҳсулот нархи яширинча оширилишини ҳам, нарклар ва бошқа нархни белгилаб беруви омилларнинг мавсумга қараб ўзгаришини, шунингдек давлат савдосида, кооператив магазинларида, колхоз бозорида, кооперативлар томонидан ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти натижасида маҳсулот сотиш ҳажмидагига нисбатан ўзгариши таъсирини ҳам ҳисобга олади.

Пулли хизмат ҳажми 1989 йилда 1,9 миллиард сўмни ёки халқ хўжалиги даражасида белгиланган планнинг 100,8 фоизини ташкил этди; планга қўшимча 16 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Қорақалпоғистон АССРда, Қашқадарё ва Сурхондарё областларида план бажарилмади. 1989 йилда ҳар бир киши ҳисобига 126 сўмлик пулли хизмат кўрсатилди, бу эса истеъмолнинг мақбул нормасидан анча кам.

Пулли хизматнинг пассажир транспорти, уй-жой хўжалиги, мактабгача муассасалар, физкультура ва спорт каби турлари етарли ривожлантирилмади. Уларнинг улуши пулли хизмат умумий ҳажмида атиги 11 фоизни ташкил қилади.

Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 739,2 миллион сўмлик бўлди, бу 1988 йилдагидан 12 фоиз кўп. Шу билан бир вақтда аҳолининг пойабзал тиқтириш ҳамда тиқувчилик буюмлари, кир ювиш ва дазмоллаш каби хизмат турларига, прокат пунктлари, мебель ремонт қилиш ва тайёрлаш каби хизматларга талаблари тўла қондирилмади. Маиший хизмат кўрсатиш ихтисослаштирилган корхоналарининг аҳолига хизмат қилиш даражаси (маиший хизмат ҳажмининг 70 фоиздан кўпроғи шундай корхоналар зиммасига тўғри келади) қониқарли эмас. Ана шу корхоналар иши устидан тушаётган шикоятларнинг 39 фоизи буюртмаларни бажариш муддати бузилиши билан, 43 фоизи буюртмалар сифатсиз бажарилаётганлиги, 19 фоизи буюртма қабул қилишдан бош тортиш билан боғлиқ.

Уй-жой ва ижтимоий-маданий қурилиш. Республика аҳолиси пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан қурилган умумий саҳни 8,6 миллион квадрат метрни ташкил этувчи 114,9 мингта янги шинам квартиралар олди. Бу олдинги йилдагидан 4 фоиз кўп. Аҳоли томонидан қурилган уй-жойларнинг салмоғи фойдаланишга топширилган уй-жойларнинг умумий ҳажмида кўпайиб, 1988 йилдаги 53 фоиздан 59 фоизга етди. Шу билан бир вақтда қарз олиш ва қурилиш материалларини харид қилиш билан боғлиқ қийинчиликлар қурилишнинг бу турига тўсқинлик қилмоқда.

Кооператив уй-жой қурилишида олдинги йиллардаги каби катта қолоқликка йўл қўйилди.

Давлат маблағлари ҳисобига қуриладиган уйларни фойдаланишга топшириш йиллик плани бажарилмади. Ўтган йилга нисбатан уй-жойларни фойдаланишга топшириш 9 фоизга камайди. Андижон, Наманган ва Хоразм областларидан ташқари барча областларда ва Тошкент шаҳрида уй-жойларни фойдаланишга топшириш планининг бажарилиши таъминланмади.

Уй-жой фондининг умумий саҳни 238,3 миллион квадрат метрга етди. Аҳолининг уй-жой билан таъминланиши умумий саҳнда 11,8 квадрат метрни, жумладан 8 квадрат метр уй-жой майдонини ташкил этди, бу эса 1988 йилдагидан 1,3 фоиз кўп.

Уй-жой муаммоси ҳамон ўткир бўлиб турибди. Давлат ижтимоий уй-жой фондида ва уй-жой қурилиш кооперативлари фондидаги квартираларда яшаётган шаҳар оилалари умумий сонининг 65 фоизи уй-жой олиш учун навбатда турибди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, ишчилар ва хизматчиларнинг 15 мингдан ортиқ ёш оилалари уй-жой шароитини яхшилаш учун навбат кутмоқда.

Пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига 208,5 минг ўринли умумий таълим мактаблари қурилди, бу 1988 йилдагидан 2 фоиз қам. Бу мактабларнинг деярли ярми ўқув йили бошлангандан кейин фойдаланишга топширилди.

5,7 минг ўринли ҳунар-техника ўқув юртлари, 52,8 минг ўринли мактабгача муассасалар, 5,6 минг ўринли касалхоналар, бир сменада 15,9 минг кишини қабул қиладиган амбулатория-поликлиника муассасалари, шунингдек 19,1 минг ўринли клублар ва маданият уйлари қурилди.

Умумий таълим мактаблари ва поликлиникалардан ташқари ана шундай объектлар қурилиши бўйича йиллик топшириқлар бажарилмади.

Самарқанд, Сирдарё Сурхондарё ва Тошкент областларида давлат маблағлари ҳисобидан ижтимоий-маданий соҳанинг кўпгина объектларини ишга тушириш топшириқларининг бажарилиши таъминланмади.

Халқ маорифи. Республика ўқув юртларида салкам 6,7 миллион киши таълим олмоқда ва малака оширмоқда.

Олдинги ўқув йилида бўлгани каби ўқувчиларнинг ҳар учтасидан бири кундузги умумий таълим мактабларида иккинчи ва учинчи сменада шуғулланмоқда. Мактаблар ва мактабгача муассасаларда 198,3 минг олти яшар болалар биринчи синф программаси билан ўқитилмоқда.

Мактабгача муассасаларда бир миллионга яқин бола ёки боғча ёшидаги болаларнинг салкам 37 фоизи тарбияланмоқда. Шунга қарамай, аҳолининг мактабгача муассасаларга эҳтиёжи қондирилмаган. 200 мингдан ортиқ бола болалар боғчалари ва ясли-лиларга жойлаштирилиши керак.

Олий ўқув юртларига 59,4 минг киши ёки 1988 йилдагидан 4 фоиз кам, ўрта махсус ўқув юртларига 89,1 минг киши ёки 1988 йилдагидан 15 фоиз кам одам қабул қилинди. Кундузги бўлимлардаги талабаларнинг 6 фоизи корхоналар (ташкилотлар), олий ўқув юртлари ва студентлар ўртасида тузилган шартнома асосида ўқитилмоқда. Студентлар сони аввалги йилга нисбатан кўпайиб 331,6 минг кишига, ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари 277,3 минг кишига етди.

Ҳунар-техника билим юртларига 126 минг киши ёки 1988 йилдагидан 17 минг киши кам қабул қилинди. Республикада китоб фонди салкам 89 миллион нусхага етган, 7,8 мингта оммавий кутубхона ишлаб турди. Китобхонлар сони олдинги йил даражасида қолди ва 6,7 миллион кишини ташкил этди.

Аҳолининг клуб муассасалари билан таъминланиши сўнгги йиллар давомида ўзгармади.

Одамларнинг киносеансларга бориши 6 фоиз камайди. Бунинг сабабларидан бири видеозаллар шохобчасининг ривожланишидир.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш. Республикада аҳолининг меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотиб касалланиши кўпайди. Бахтсиз ҳодисалардан, заҳарланишдан ва жароҳатдан ўлганлар сони олдинги йилдагига нисбатан 2,3 минг ёки 24 фоиз кўпайди.

Бир йил давомида касалхона муассасалари қуввати 7,1 минг ўринлик кўпайди, амбулатория-поликлиника муассасалари қуввати бир сменада 2,9 минг кишини қабул қиладиган даражада ортди. 1990 йилнинг бошида республикада 73,2 минг врач ва 223,4 минг ўрта маълумотли табобат ходими ишлаб турди, бинобарин, олдинги йилга нисбатан врачлар 0,1 фоиз ва ўрта маълумотли табобат ходимлари 3,5 фоиз кўпайди. Бироқ тиббий хизматни ташкил этишда жиддий ўзгариш бўлмади. Касалхоналарда ҳамон бинолар талабга жавоб бермайди, замонавий аппаратлар ва ускуналар йўқ, дори-дармонлар, ички кийимлар етишмайди, тайёрланаётган овқат яхши эмас.

СПИД касаллиги тарқалишининг олдини олиш учун қондаги вирусни текширадиган 23 та лаборатория очилди. Умуман республикада 1987—1989 йилларда СПИД вируси юққан 11 киши аниқланди. Шундан 10 киши чет эл гражданидир. СПИД касалига чалинган бир киши аниқланди.

Аҳоли пунктлари санитария аҳволининг дуруст бўлмаганлиги, бир марта ишлатиладиган шприцлар ва игналарнинг йўқлиги сабабли аҳолининг вирусли гепатит касалига чалиниши ҳоллари 14 фоиз кўпайди.

Ҳуқуқ бузилиши. 1989 йилда республикада 84 мингдан кўпроқ жиноят рўйхатга олинди ёки бу 1988 йилга нисбатан 21 фоиз кўпдир. Ҳар 7 жиноятнинг бири — оғир жиноятдир. Жиноят-қидирув йўли бўйича жиноятчилик Қорақалпоғистон АССРдан ташқари амалда ҳамма ерда кўпайди, бу кўрсаткич Фарғона областида 78 фоиз, Хоразмда 45, Самарқандда 43, Тошкент областида 31 фоиз ортди. Булар энг юқори кўрсаткичлардир.

Босқинчилик 59 фоиз, йўлтўсарлик билан ҳужум қилиш 64 фоиз кўпайди, бундай жиноятлар 2,8 минг ва 1,1 минг марта қайд этилди. Гражданларнинг шахсий мулкини ўғирлаш 36 фоиз, шу жумладан, квартира ўғирлиги 26 фоиз кўпайди. Давлат ёки жамоат мулкини ўғирлаганлик (майда ўғирликдан ташқари) қарийб 5,8 минг марта қайд этилди. Бу аввалги йилдагига нисбатан 59 фоиз кўпдир.

1 мингдан кўп қасддан ўлдириш ёки ўлдираман, деб таҳдид қилиш, 1,2 минг марта қасддан оғир тан жароҳати етказиш, 557 марта зўрлаш ва зўрлашга уриниш бўлди, бу эса аввалги йилга нисбатан 31, 39 ва 22 фоиз кўпдир.

Балоғатга етмаганлар томонидан ёки уларнинг иштирокида 4,2 мингта жиноят (ўсиш 19 фоиз) содир этилди; илгари жиноят қилган шахслар томонидан 6,5 минг марта (ўсиш 31 фоиз) жиноят; маст кишилар томонидан 6,9 минг марта (аввалги йилга нисбатан 38 фоиз кўп) жиноят содир этилди. 5,2 мингта группа бўлиб жиноят содир этилгани қайд этилди. Бу — 1988 йилга нисбатан 35 фоиз ортиқдир.

Атроф-муҳитнинг аҳволи. Табиатни муҳофаза этишга сарфланган харажатлар 107 миллион сўмдан кўпроқни ташкил этди, шу жумладан, давлатнинг 65 миллион сўмдан кўпроқ капитал маблағи сарфланди.

Бекобод шаҳридаги, Самарқанд ва Қашқадарё областларидаги Ўзбекистон ССР Уй-жой-коммунал хўжалик министрлиги системасига қарайдиган коммунал оқава сувларини тозалайдиган станциялар; Самарқанд химия заводида айланма ваизчил сув таъминоти системаси; Бекобод цемент заводида чиқинди газларни ушлаб, зарарсизлантирадиган қурилма ишга солинди.

«Газпром» давлат газ концерни, «Агрохим» ва «Союзстройматериали» давлат уюшмалари, СССР Металлургия министрлиги, СССР Химия ва нефть саноати министрлиги, ЎзССР Давлат қурилиш комитети корхоналарида, шунингдек, пахта тозалаш саноати корхоналарида ҳавони ифлослантирадиган моддаларнинг чиқиши камайди.

Шу билан бирга амалга оширилган тадбирлар экология вазиятининг яхшиланишини ҳамма ерда ҳам таъминлади, деб бўлмайди. Муқим манбалардан республика ҳаво ҳавзасига зарарли моддаларнинг чиқиб кетиши 1988 йилга нисбатан 16,4 минг тонна ёки 1,2 фоиз кўпайди. «Узбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР, Уй-жой-коммунал хўжалик министрлиги, Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги корхоналари жами бўлиб ифлослантирадиган моддалар чиқаришни 80,5 минг тонна ёки 24 фоиз кўпайтирдилар.

Илгариги йилларда бўлганидек, республиканинг айрим саноат марказларида ифлослантирувчи моддаларнинг йиғилиши санитария нормаларига нисбатан анча кўп бўлди.

Орол денгизи ҳавзасида мушкул сув хўжалиги ва экология вазияти сақланиб турибди. Аммо ихтисослашган «Аралводстрой» қурилиш бирлашмаси сувни муҳофаза этиш учун мўлжалланган капитал маблағларнинг нари борса 40 фоизини ўзлаштирди.

Ишлаб чиқариш ва коммунал оқава сувларининг ташланиши оқибатида сув ҳавзаларининг булғаниши давом этмоқда, айни вақтда кўп жиҳатдан сувни тозалаш иншоотлари самарасиз ишлаётгани сабабли ифлослантирувчи моддалар анчагина тушмоқда.

Авария оқибатида бирваракайига ифлослантириш атроф-муҳит аҳволига жиддий салбий таъсир этмоқда. 1989 йилда Ўзбекистон ССР Давлат табиатни муҳофаза этиш комитети органлари авария ҳолатида сув ҳавзаларига 34 марта ифлослантирувчи моддалар бирваракайига ташланганлигини қайд этдилар. Чунончи, Тошкент областининг луб заводлари авария вақтида сув ҳавзаларини ифлослантирдилар, Бухоро областидаги канализация шохобчасининг ёрилиши, Самарқанд химия заводида шлам оқизиладиган қувурнинг ёрилиши оқибатида ҳам шундай ҳоллар содир бўлди. Ангрендаги «Водоканал» ишлаб чиқариш бошқармаси сув чиқариш иншоотидаги авария оқибатида ҳавонинг хлор билан булғанишига йўл қўйилди.

Атроф-муҳитни муҳофаза этиш иншоотларини фойдаланишга топшириш таъминланмади. Улар орасида жумладан, Навоий цемент заводи, Андижон мебель фабрикаси, Муборак газни қайта ишлаш заводидаги ана шундай иншоотлар бор.

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ВА РЕСУРСЛАРНИ ТЕЖАШ

1989 йилда республикада 219 та илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик институти ва олий ўқув юрти ишлади. Илм-фаннинг моддий-техника таъминоти аҳволи қониқарсиз бўлиб турибди. Масалан, илмий ташкилотларда 11-20 йил аввал ўрнатилган машина ва ускуналар салмоғи 21 фоизни ташкил этади. Ўрнатилганига 20 йилдан кўпроқ вақт бўлган машина ва ускуналар салмоғи эса 7 фоизни ташкил этади. Илмий ташкилотларда техникавий даражаси жаҳондаги ана шундай даражадан юқорироқ бўлган ускуналар йўқ. Бу ташкилотлар қўлидаги ускунанинг фақат учдан бир қисмигина Ватанимиз ва жаҳондаги стандартларга мос келади.

Саноатда саноат маҳсулотининг 2 мингдан кўпроқ тури ўзлаштирилди ва ишлаб чиқарила бошланди, шулардан 40 номдаги машина, ускуна, аппарат ва асбоблар СССРда биринчи бор ўзлаштирилди. Тошкент трактор заводи СССРда биринчи бўлиб жаҳондаги олий даражага мос бўлган МТЗ-80-ХА тракторини; «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси электр кўприк грефер крани: «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси пахтачилик учун «ОШХ» шлангали пуркагични; «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси «СХ» пахта сепараторини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Фан ва техникани ривожлантириш юзасидан 1989 йилги давлат буюртмаси топшириқларнинг сони бўйича 84 фоиз, жорий этиш ҳажми бўйича 88 фоиз бажарилди.

Машинасозлик комплекси корхоналарида 14 та саноат роботи, рақамли программа билан бошқариладиган 88 та металл қирқиш станоги ўрнатилди. Комплексда саноатни янгилаш 1988 йилги 6,6 фоиздан 7,1 фоизга етди.

Ёқилғи-энергетика комплексида қатламлардан нефть чиқариб олишни кўпайтиришнинг замонавий методларини қўлланиб нефть қазиб чиқариш ҳар йили ортиб бормоқда, аммо нефть қазиб олишнинг умумий ҳажмида бунинг салмоғи жуда кам (0,9 фоиз)лигича қолмоқда.

Қурилиш комплексида қурилиш-монтаж ишлари умумий ҳажмида қурилишнинг илғор турлари салмоғи бор-йўғи 26 фоизга тенгдир.

Харажат нормаларини камайтириш эвазига ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш топшириғи бажарилди, шартли ёқилғига айлантириб ҳисоблаганда бундай ресурслардан 924 минг тонна тежалди. Бундан ташқари, 584 минг тоннадан кўпроқ иккиламчи ёнилғи ва иссиқлик ресурсларидан фойдаланилди.

Машинасозлик ва металлга ишлов беришда металл сарфи нормаларини камайтириш туфайли (ишлаб чиқарилган ҳар бир миллион сўмлик маҳсулот учун белгилаб қўйилган норма) 35 минг тоннадан кўпроқ қора металлар прокати, 8 минг тонна қўйма пўлат, 5 минг тоннадан кўпроқ қуйма чўян, 10 минг тонна пўлат қувур ва қарийб 1 минг тонна рангли металлар прокати тежалди.

САНОАТ

Давлат буюртмаси ва истеъмолчилар билан ўрнатилган **бевосита алоқаларга биноан маҳсулот** етказиб бериш юзасидан **шартномавий мажбуриятлар** 99,0 фоиз бажарилди. (1988 йилда шартномавий мажбуриятлар 98,7 фоиз адо этилган эди), бирлашмалар ва корхоналарнинг 15 фоизи шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган эди. Улар истеъмолчиларга 205 миллион сўмлик маҳсулотни етказиб бермадилар.

Қорақалпоғистон АССР (98,3 фоиз), Андижон (98,1 фоиз) ва Тошкент (98,0 фоиз) областлари саноатида шартномавий мажбуриятларни бажариш паст даражададир.

1989 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш пландаги 5,9 фоиз ўрнига 3,6 фоиз ўсди, бир кеча-кундузда маҳсулот ишлаб чиқариш ўртача 4,0 фоиз ортди. Кооперативлар қўлига тушган маблағни ҳисобламаганда саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши 3,0 фоизни ташкил этди. Умуман бир йил мобайнида «А» группа маҳ

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

СИФАТ—БОШ МЕЗОН

XII БЕШ ЙИЛЛИК

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

1988 йилга нисбатан улгуржи савдо ҳажмлари икки баравардан кўпроқ ошди. Моддий-техника таъминоти ташкилотлари улгуржи савдо тартибида ишлаб чиқариш-техника мақсадларига мўлжалланган 1,3 миллиард сўмлик маҳсулотни сотди ҳамда саноат корхоналари эркин савдо тартибида 655 миллион сўмлик маҳсулотни етказиб берди.

Янги қувватларни ўзлаштиришда яхшиланиш бўлмади. 1989 йилнинг ўн бир ойи мобайнида сўнгги икки йил мобайнида ишга туширилган ва реконструкция қилинган 62 та лойиҳадаги қувватларни (ўзлаштириш нормаларини ҳисобга олиб) ишга солишнинг ўртача даражаси атиги 67 фоизни ташкил этди. Самарқанддаги қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатидаги қайтадан ишга туширилган қувватларда суперпластификатор тайёрланмади. Ангрен кўмир разрезидаги худди ана шундай қувватларда кўмир қазиб чиқарилмади. Қўқондаги қурилиш материаллари комбинати (1,8 фоиз), Ангрен уйсозлик комбинати (7,9 фоиз), Тошкентдаги 5-йирик панелли уйсозлик заводи (8,4 фоиз) ва бошқа корхоналарда қувватларни ўзлаштириш даражаси жуда пастдир.

Қувватлардан қониқарсиз фойдаланилгани оқибатида қарийб 193 миллион сўмлик маҳсулот бой берилди.

Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри саноатининг иши тўғрисидаги маълумотлар қуйида келтирилган.

фоиз ҳисобида

	маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши	истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулот, миллион сўм	шартномавий мажбуриятларни бажармаган корхоналар салмоғи	амалдаги ўсиш суръатлари: маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажми	амалдаги ўсиш суръатлари: меҳнат унумдорлиги
Қорақалпоғистон АССР	98,3	9,7	10	7,8	5,4
областлар:					
Андижон	98,1	23,1	19	6,2	2,3
Бухоро	99,5	6,8	13	5,8	3,7
Қашқадарё	99,5	6,5	7	6,0	3,5
Наманган	99,8	2,5	13	4,8	2,7
Самарқанд	99,1	15,1	15	1,5	0,9
Сурхондарё	99,8	1,0	8	—5,5	—8,5
Сирдарё	99,1	6,7	9	10,8	8,6
Тошкент	98,0	68,3	18	3,5	2,9
Фарғона	99,4	16,4	14	3,0	1,2
Хоразм	99,6	3,0	11	9,5	4,4
Тошкент шаҳри	99,0	45,3	19	0,6	2,2

Халқ хўжалиги комплекслари бўйича саноат иши қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

ЕНИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА КОМПЛЕКСИ

	1989 йилда амалда бажарилгани	планнинг фоиз ҳисобида бажарилиши	1989 йилда 1988 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Электр энергия, миллиард киловатт-соат	55,9		110
Нефть (шу жумладан, газ конденцати), миллион тонна	2,6	108	109
Газ, миллиард кубметр	41,1	103	103
Кўмир, миллион тонна	6,2	101	114

Компелкс корхоналар истеъмолчиларга 1,2 миллион сўмлик маҳсулотни етказиб бермадилар, шартномавий мажбуриятларни бажариш 99,8 фоизни ташкил этди. Комплекснинг ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналаридан 6 фоизи шартномаларни бажара олмади.

МЕТАЛЛУРГИЯ КОМПЛЕКСИ

Пўлат эритиш, тайёр прокат ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши таъминланмади. Ўзбекистон металлургия заводи йил мобайнида тайёр прокат тайёрлаш давлат буюртмасини сурункасига бажармади.

Комплекс корхоналарида истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулот ҳажми 42,2 миллион сўмлик бўлди, маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятлар 96,5 фоиз адо этилди. Корхоналарнинг 45 фоизи шартномавий мажбуриятларни бажармади.

МАШИНАСОЗЛИК КОМПЛЕКСИ

	амалда 1989 йилда	планнинг фоиз ҳисобида бажарилиши	1989 йилда 1988 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Ўзгарувчи ток электр двигателлари, минг киловатт	543	99	92
Куч трансформаторлари миллион киловольт-ампер	8,8	100,1	115
Компрессорлар, минг дона	11,4	92	100,0
Асбоблар, автоматлаштириш воситалари ва уларга эҳтиёт қисмлар, миллион сўмлик	38,7	101	98
Химия ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, миллион сўмлик	41,5	91	95
Йигирув машиналари, дона	1615	100,9	108
Тракторлар, минг дона	23,7	100,0	104
Трактор прицеплари, минг дона	35,3	100,0	98
Қишлоқ хўжалик машиналари, миллион сўмлик	155	100,4	78
Пахта териш машиналари, минг дона	6,0	100,0	74
Экскаваторлар, дона	794	50	50

1989 йилда машинасозлик комплекси маҳсулоти умумий ҳажмининг ўсиши 2,6 фоизни ташкил этди.

Ўтган йили электр двигателлар ишлаб чиқариш 8 фоиз, қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш 22 фоиз, пахта териш машиналари ишлаб чиқариш 26 фоиз, экскаваторлар ишлаб чиқариш 50 фоиз камайди. Экскаваторлар, компрессорлар, осма электр кранлари, трактор культиваторлари ва бошқа машиналар ишлаб чиқариш плани муттасил бажарилмади.

Тошкент экскаватор заводида чиқарилган ойлик экскаваторларнинг 98 фоизи декабрнинг сўнгги ҳафтасига тўғри келган бўлса, «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида приборлар ва автоматлаштириш воситаларининг 95 фоизи, «Средазсельхозмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида қишлоқ хўжалик машиналарининг 55 фоизи декабрнинг сўнгги ҳафтасига тўғри келди ва ҳоказо.

Комплекс корхоналари шартномавий мажбуриятларни 98,6 фоиз бажардилар, улар истеъмолчиларга 20,7 миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб бердилар. Ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарининг 37 фоизи шартномавий интизомни бузди.

Маҳсулот етказиб бериш юзасидан олинган шартнома мажбуриятларини бажаришда СССР Электротехника ва асбобсозлик министрлигининг, СССР Оғир энергетика ва транспорт машинасозлиги министрлигининг ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари энг кўп қолоқликка йўл қўйдилар. Биринчи министрликнинг бирлашма ва корхоналари 5,5 миллион сўмлик, иккинчи министрликнинг бирлашма ва корхоналари 11,5 миллион сўмлик маҳсулотни етказиб бермади.

ХИМИЯ-ЎРМОН КОМПЛЕКСИ

	1989 йилда амалда ишлаб чиқарилгани	планнинг бажарилиши, фоиз ҳисобида	1989 йилда 1988 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Минерал ўғитлар (тўйимли моддалари 100 фоизга айлантириб ҳисобланганда), миллион тонна	1,9	99,8	93
Олтингугурт кислотаси, миллион тонна	2,4	89	90
Химиявий тола ва иплар, минг тонна	50,6	99,8	103
Синтетик смола ва пластмассалар, минг тонна	164	95	103
Термопластлардан қувурлар ва қувур ётқизиш деталлари, минг тонна	19,3	98	105
Дори-дармонлар, миллион сўмлик	57,8	100,6	98
Қоғоз, минг тонна	25,7	101	100,2
Картон, минг тонна	56,1	102	100,6

Маҳсулот етказиб бериш юзасидан олинган шартнома мажбуриятларини комплекс корхоналари 98,7 фоиз бажардилар. Корхоналарнинг учдан бир қисми ўзларининг истеъмолчилар олдидаги мажбуриятларини уддалай олмадилар, натижада етказиб берилмаган маҳсулот ҳажми комплекс бўйича 26,8 миллион сўмликни ташкил этди.

Олтингугурт кислотаси ишлаб чиқариш юзасидан ҳосил бўлган қарздорлик йиллик топшириқнинг 11 фоизни, синтетик смола ва пластмассалар бўйича 5 фоизни, термопластлардан ясалган қувурлар ва қувур ётқизиш деталлари 2 фоизни ташкил этди.

БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ

	1989 йилда амалда ишлаб чиқарилгани	планнинг бажарилиши фоиз ҳисобида	1989 йилда 1988 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Цемент, миллион тонна	6,2	100,1	111
асбестоцемент тахталар (шифер), миллион шартли тахта	430	93	96
Асбестоцемент қувурлар ва муфталар, минг километр шартли қувур ҳисобида	2,3	96	97
Томга ёпиладиган юмшоқ материаллар ва изоллар, миллион квадрат метр	130	100,1	101

Қурилиш индустриясининг асосий маҳсулотини ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилмади. Қурувчиларга 34,5 миллион шартли плита шифер, 71 миллион дона ғишт, 200 минг куб метрдан ортиқ йиғма темир- бетон буюмлари ва шу сингарилар етказиб берилмади.

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ

1989 йилда қишлоқ хўжалигининг кўпгина маҳсулотларини етказиб бериш топшириғи бажарилмади. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг кўзда тутилган ўсишига эришилмади. 1989 йилда планда кўзда тутилган 4,8 фоиз ўсиш суръати амалда 4,6 фоиз камайди. Умуман беш йилликнинг ўтган тўрт йили давомида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми аввалги беш йилликдагига нисбатан беш йиллик планга оид ҳисоб-китоблардаги худди шу даврга мўлжалланган 11,5 фоиз ўрнига 1,9 фоиз ўсди.

Жамоат қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ўтган йилдагига нисбатан 2,3 фоиз қисқарди.

Бир қанча экинлар маҳсулотини етиштириш ва харид қилиш ҳажми камайганлиги шунга олиб келдики, ўтган йилдагига нисбатан колхоз ва совхозлар олган фойда 6,7 миллион сўм қисқарди ва 1,5 миллиард сўмни ташкил этди. Зарар кўриб ишловчи хўжаликлар камайган бўлса-да, кўрилган зарар миқдори 8,6 миллион сўм кўпайди. Колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллиги 22 фоизни ташкил этди.

1989 йилда дон етиштириш 1988 йилдагига нисбатан 515 минг тонна камайди. Дон етиштириш Қорақалпоғистон АССРда ҳамда Андижон, Бухоро ва Фарғона областларидан ташқари барча областларда камайди.

Барча категориялардаги хўжаликларда асосий қишлоқ хўжалик экинларининг ялпи ҳосили қуйидаги маълумотлар билан изоҳланади:

(минг тонна)

	йилига ўрта ҳисобда: 1981-1985 йиллар	йилига ўрта ҳисобда: 1986 — 1989 йиллар	1988 й.	1989 й.
Дон:				
Дастлабки даромад вазнида	2450,2	1731,6	2199,9	1684,9
Ишлов берилгандан кейинги вазнда	2380,1	1644,9	2083,4	1571,6
Пахта	5159,0	5126,3	5365,2	5292,4
Пахта толаси	1508,6	1632,8	1731,6	1673,2
Картошка	305,2	300,2	308,4	322,2
Сабзавот	2505,8	2579,3	2759,9	2508,5
Қовун-тарвуз	930,3	813,3	929,3	922,1
Мева ва резавор мевалар (цитрус мевалар бунга кирмайди)	780,9	596,3	622,8	503,7
Узум	611,2	600,1	655,0	398,0

Умуман республикада дон экинлари ҳосилдорлиги (дастлабки даромад вазнида) 1989 йилда гектаридан 1988 йилдаги 20,9 центнер ўрнига 19,1 центнерни, дон учун маккажўхори 1988 йилдаги 44,7 центнер ўрнига 45,0 центнерни, шоли 1988 йилдаги 37,0 центнер ўрнига 32,7 центнерни, картошка 1988 йилдаги 98 центнер ўрнига 95 центнерни, сабзавот 1988 йилдаги 209 центнер ўрнига 194 центнерни, қовун-тарвуз 1988 йилдаги 108 центнер ўрнига 122 центнерни, пахта 1988 йилдаги 26,6 центнер ўрнига 26,9 центнерни ташкил этди.

Жами республикада давлат буюртмасига нисбатан 213,0 минг тонна дон, 83,6 минг тонна картошка, 560,6 минг тонна сабзавот, 115,4 минг тонна қовун-тарвуз, 271,5 минг тонна мева ва резавор мева, 387,5 минг тонна узум кам етказиб берилди.

Дон, сабзавот, қовун-тарвуз, ҳўл мева ва резавор мева, узум 1988 йилдагига нисбатан кам харид қилинди.

Республика, шунингдек, Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона областларидан ташқари кўпгина областлар пахта толаси харид қилиш давлат буюртмаси бажарилишини таъминламадилар. Умуман республикада 1673,2 минг тонна пахта толаси харид қилинди. Бу 1988 йилдагига нисбатан 58,4 минг тонна камдир.

Умумиттифоқ фондига сабзавот ва қовун-тарвуз етказиб бериш плани бажарилди.

Ўн иккинчи беш йиллик давомида барча категориялардаги хўжаликларда чорвачилик маҳсулоти етиштириш қуйидаги тарзда ўзгарди:

	йилига ўрта ҳисобда: 1981 — 1985 йиллар	йилига ўрта ҳисобда: 1986 — 1989 йиллар	1988 й.	1989 й.
Гўшт (сўйилган вазнда), минг тонна	377,8	425,7	439,6	473,2
Сут, минг тонна	2447,8	2733,1	2836,6	2941,2
Тухум, миллион дона	1773,3	2234,2	2333,9	2342,3
Жун (табиий вазнда), минг тонна	24,1	24,5	25,2	24,7

Колхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳар бош сигирдан соғиб олинаётган ўртача сут миқдори 2570 килограммни ташкил этди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 126 килограмм кўпдир.

Барча категориядаги хўжаликларда чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади:

	йилига ўрта ҳисобда: 1981 — 1985 йиллар	йилига ўрта ҳисобда: 1986 — 1989 йиллар	1988 й.	1989 й.
Чорва ва парранда (тирик вазнда), минг тонна	287,6	353,8	356,8	371,3
Сут, минг тонна	807,7	945,3	968,4	1007,6
Тухум, миллион дона	1046,6	1377,8	1475,2	1486,7
Жун (соф толага айлантирганда), минг тонна	17,7	18,4	19,0	18,8
Қоракўл, минг дона	2250,5	1426,3	1348,9	1434,2
Пилла, минг тонна	31,6	32,2	35,0	27,4

Чорвачиликда молларнинг нобуд бўлиши ва қисир қолишига йўл қўйилмоқда. 1989 йилда колхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро корхоналарда 18,6 минг бош қорамол, жумладан 2 минг бош сигир; 166,1 мингта қўй ва эчки, 52,2 мингта чўчқа нобуд бўлди.

Чорва моллар боши қуйидаги тарзда ўзгарди:

(1 январгача); минг бош:

	Барча категориядаги хўжаликларда: 1989 й.	Барча категориядаги хўжаликларда: 1990 й.	Жумладан аҳолида: 1989 й.	Жумладан аҳолида: 1990 й.
Қорамол,	4130,3	4105,2	2366,9	2392,7
Жумладан, сигирлар	1597,0	1624,2	1154,4	1188,1
Чўчқалар	728,6	704,9	12,7	13,0
Қўй ва эчкилар	8721,8	8634,9	3118,9	3159,5

Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм областларининг барча категориядаги хўжаликларида қорамоллар боши; Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм областларида чўчқа; Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Қашқадарё областларида қўй ва эчкилар туёғи кўпайди.

Аҳоли хўжаликларида барча турдаги чорва моллари кўпайди.

Ем-хашак билан таъминлашда кескин аҳвол вужудга келди. Қишлов бошланишигача умуман республикада ҳар бир шартли чорва бошига пландаги 13,7 центнер ўрнига 12 центнер озуқа бирлиги тайёрланди. Барча областлар ва Қорақалпоғистон АССР хўжаликлари ўтган йилдагига нисбатан кам озуқа ғамладилар.

Бултур қишлоқ хўжалигига 1988 йилдагига нисбатан трактор культиваторлари 2,4 мингта, силос йиғиштирадиган ва пичан ўрадиган комбайнлар 228 та пахта териш машиналари 1,6 мингта, дон тозалаш машиналари 54 та кам етказиб берилди.

Минерал ўғит етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятлари бажарилди ва 1327,3 минг тонна ўғит етказиб берилди. Ўтган йилдагига нисбатан минерал ўғит етказиб бериш 11,8 минг тонна камайди.

Агросаноат комплексини, жумладан қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи тармоқларни ривожлантиришга пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан уч миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағ ёки халқ хўжалигида улар умумий ҳажмининг 41 фоизи сарфланди.

Агросаноат комплексига сарфланган маблағларнинг умумий ҳажмидан 85 фоизи қишлоқ хўжалиги ва унинг социал инфраструктураси ишлаб чиқариш объектларини қуришга ажратилди. Совхозлар ва колхозлар 83,4 минг ўқувчига мўлжалланган ёки планга нисбатан 107 фоиз умумий таълим мактаблари, 910 ўринли ёки планга нисбатан 147 фоиз касалхоналар, бир сменада 3,6 минг беморни қабул қиладиган ёки планга нисбатан 123 фоиз поликлиникалар, 17 минг ўринли ёки планга нисбатан 113 фоиз клуб ва маданият уйлари қурдилар. Айни пайтда 5 фоиз уй-жой, 23 фоиз мактабгача тарбия муассасалари фойдаланишга топширилмади. Хўжаликларда асфальт ётқизилган автомобиль йўллари қуриш қўлами бултургига нисбатан ошди ва 1,2 минг километр узунликдаги йўл фойдаланишга топширилди. Гўшт етиштириш учун мўлжалланган ва 6,3 миллионта товуқ боқиладиган ёки 76 фоиз паррандачилик фабрикалари, бир вақтнинг ўзида 37,3 минг тонна картошка, сабзавот ва мева сақланадиган омборларнинг ишга туширилиши таъминланмади. Бундай омборларга талаб катта бўлишига қарамай, Фарғона областидан ташқари бирорта ҳам область уларнинг ишга туширилишини таъминламади.

Агросаноат комплексининг қайта ишлаш тармоқларини ривожлантиришга 185 миллион сўм капитал маблағ ёки йиллик лимитнинг 81 фоизи сарфланди.

Бу маблағлар агросаноат комплексига сарфланган барча капитал маблағларнинг атиги 6 фоизини ташкил этди. Элеваторлар, аралаш ем корхоналари, мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқарадиган қувватлар қурилиши қониқарсиз амалга оширилди.

Мелиорация соҳасидаги қурилишга 1988 йилдагига нисбатан харажатлар 255 миллион сўм камайди, қишлоқ хўжалигига сарфланган капитал маблағларнинг умумий ҳажмда уларнинг улуши 1988 йилдаги 45 фоиз ўрнига 41 фоизни ташкил этди. Суғориладиган ерларни комплекс реконструкциялашга оид ишлар плани бажарилди.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

1989 йилда умуман республика халқ хўжалигида пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига 7,5 миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштирилди, 7 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилди.

Корхоналар ва ташкилотлар маблағларини жалб қилиш жараёни давом этди. Давлат капитал маблағларининг умумий ҳажмида уларнинг улуши 1988 йилдаги 17 фоиз ўрнига 42 фоизни ташкил этди.

Мавжуд корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкциялашга 1,4 миллиард сўм сарфланди. Ана шу мақсадлар учун сарфланган давлат капитал маблағларининг умумий ҳажмида корхоналар ва ташкилотларнинг маблағлари 60 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга 1989 йилда капитал қурилишдаги муттасил қолоқликка барҳам берилмади. Давлат капитал маблағлари ҳисобига асосий фондларни ишга туширишнинг юзасидан йиллик топшириқ 87 фоиз бажарилди. Асосий фондларни ишга туширишнинг пландаги 755 миллион сўм кўпайиш ўрнига 18 миллион сўм камайди.

Ишлаб чиқариш қурилиши соҳасида корхоналарни ишга туширишнинг программаси бажарилмади. Давлат буюртмаси билан қурилаётган 26 та объект ва қувватлардан 16 таси ёки 62 фоизи фойдаланишга қабул қилиб олинди. Шу билан бирга давлат буюртмаси номенклатурасига киритилмаган бир қанча объектлар ишга туширилди.

Ёқилғи-энергетика комплексида электр линиялари, пасайтиргич трансформатор кичик станциялари, компрессор станциялар қурилди, магистрал газ қувурлари узайтирилди.

Химия-ўрмон комплексида Самарқанд химия заводида олтингугурт кислотаси ва Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмасида мебеллар ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилди.

Қурилиш комплексида Навоий цемент заводида цемент, «Главташкентстрой» корхоналарида пардозлаш плиталари, республиканинг турли корхоналарида йиғма темир-бетон конструкциялар ва деталлар ишлаб чиқарадиган қувватлар фойдаланишга топширилди.

Енгил саноатда пайпоқ, пойабзал, чинни ва трикотаж буюмлар, тайёр газламалар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилди.

Айни пайтда Андижон мебель фабрикасида ва Урганч босмахонасида қувватларни ишга туширишнинг таъминланмади. Мазкур қувватларни 1988 йилдаёқ ишга туширишнинг мўлжалланган эди.

Қурилиш-монтаж ташкилотлари бажарган **пудрат ишлари** ҳажми бултургига нисбатан 4 фоиз, меҳнат унумдорлиги 0,4 фоиз пасайди. Умуман, қурилиш ташкилотларида пудрат ишлари плани 98 фоиз бажарилди. Ишга туширилган объектларда пудрат ишлари планининг бажарилиш даражаси умуман барча объектлардагига нисбатан паст даражада бўлди ва 97 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги, Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари министрлиги ва «Узагростройр» ремонт ишлаб чиқариш бирлашмасидан ташқари, республиканинг барча министрликлари белгиланган топшириқлар бажарилишини таъминламадилар.

Қурилишнинг ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш илгаригидек орқада қолмоқда. Энг янги бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган қувватларни ишга туширишнинг топшириқлари бажарилмади. Шундай материалларнинг, еттита туридан бештасини ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилди.

Асосан капитал маблағлар сочиб юборилаётганлиги туфайли қурилиш ишлари чекланмаган. Қурилиш муддатлари илгаригидек нормадан кечиктириб юборилмоқда.

Давлат корхоналари ва ташкилотлари капитал маблағларни 96 фоиз, жумладан бюджет ҳисобига сарфланадиган маблағларни 93 фоиз, корхоналарнинг маблағларини 98 фоиз ўзлаштирдилар.

Марказлаштирилган давлат капитал маблағлари асосан техника тараққиётини белгилайдиган машинасозлик комплексида 25 фоиз ва химия-ўрмон комплексида 34 фоиз ўзлаштирилмади.

Асосий фондларни ишга туширишда давлат капитал маблағларидан фойдаланиш ҳажмини 466 миллион сўм ошириш битказилмаган қурилишларнинг кўпайишига олиб келди. 1989 йилнинг охирига келиб битказилмаган қурилишлар ҳажми 5,8 миллиард сўмга ёки бир йилда ўзлаштирилган капитал маблағ ҳажмига нисбатан 99 фоизга етди.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Умумий фойдаланишдаги транспортнинг айрим турлари билан **юк ташиш** қуйидаги маълумотлар билан изоҳланади:

	1989 йил, миллион тонна	1989 йилда 1988 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспорт — жами	379,2	101,0
Жумладан: темир йўл транспорти	74,9	100,1
Қувур транспорти	1,2	4,4 баравар
Автомобиль транспорти	303,0	100,8
Авиация транспорти	0,1	96,3

Юк жўнатиш давлат планини темир йўл транспорти 100,1 фоиз, автомобиль транспорти 101,0 фоиз бажарди.

Темир йўл транспорти давлат буюртмаси номенклатурасидаги 10 хил юкдан цемент, бинокорлик материаллари, минерал ўғит ташиш планини таъминламади. 1988 йилдагига нисбатан 6,1 фоиз кам минерал ўғит, 2,5 фоиз кам бинокорлик материаллари, 23,4 фоиз кам ёғоч-тахта, 12,8 фоиз кам дон ва ёрма маҳсулотлари, 0,1 фоиз кам омухта ем жўнатилди.

Юк жўнатувчи ва юкни қабул қилиб олувчи корхоналарнинг шох йўлларида биттадан юк операциясида вагонларнинг бўлиш вақти 1989 йилда 1988 йилдагига нисбатан 1,8 фоиз кўпайди.

Умумий фойдаланишдаги транспорт барча турларининг пассажир ташиш обороти 0,8 фоиз камайди ва 34,9 миллиард пассажир-километрни, жумладан автобусларда пассажир ташиш 4,3 фоиз камайди ва 19,9 миллиард пассажир-километрни ташкил этди. Темир йўл транспорти пассажир ташиш обороти йиллик планини 96,8 фоиз, авиация транспорти 103,2 фоиз бажарди. 2,3 миллиард ёки ўтган йилдагига нисбатан 97,8 фоиз пассажир манзилга етказиб қўйилди.

Пассажирлар ташиш сифати яхшиланмади. 1989 йилда рейс бошқа вақтга кўчирилиши туфайли автобусларнинг 10,3 фоизи, самолётларнинг 12,4 фоизи, темир йўл поездларининг (шаҳар атрофига қатнайдиган поездлар бу ҳисобга кирмайди) 7,9 фоизи манзилга етиб келмади ёки кечикиб етиб келди.

Автомобиль йўлларида ва кўчаларда одамларнинг жабрланиши билан боғлиқ ҳодисалар сони 1989 йилнинг иккинчи ярмида 2,3 баравар кўпайди ва 2,1 мингтани ташкил этди. Ҳалок бўлганлар сони 2,1 баравар ортди ва 363 кишини, ярадорлар 2,4 баравар кўпайди ва 1693 кишини ташкил этди. 749 та автомобиль шикастланди, кўрилган зарар 152,3 минг сўмни ташкил этди.

Алоқа корхоналари 1989 йилда аҳолига 108,1 миллион сўмлик ёки 1988 йилдагига нисбатан 14,1 фоиз кўп хизмат кўрсатди. План 104,4 фоиз бажарилди.

Умумий фойдаланишдаги телефон тармоғи асосий телефон аппаратлари сони 1990 йилнинг 1 январигача 1989 йилнинг 1 январидагига нисбатан 148,5 мингта (111,8 фоиз кўпайди) ва 1406,6 мингтани ташкил этди. Шу билан бирга хонадонларга телефон ўрнатиш учун тушган аризаларнинг бир қисми қондирилмай қолди, хат-хабарлар ва почта орқали юборилиладиган пулнинг сақланиши таъминланмаяпти, хат-хабарларни ўз вақтида етказиб бермаслик ҳоллари учраб турибди.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

Ўтган йилда шартномаларга кўра экспорт учун товарлар етказиб бериш 1590,7 миллион сўмни ташкил этди. Бу эса 1988 йилдагига нисбатан 105,9 миллион сўм ёки 7,1 фоиз кўпдир. Экспорт учун товарлар етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятлари 99,3 фоиз, жумладан эркин конверсияланадиган валютага товарлар етказиб бериш юзасидан 99,5 фоиз бажарилди. СССР Ўғит саноати министрлиги, СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги, СССР Электро техника саноати ва асбобсозлик министрлиги, СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, СССР Давлат агросаноат комитети (собиқ), Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг корхоналари ва ташкилотлари экспорт учун товарлар етказиб бериш шартнома мажбуриятларини бажармадилар.

1989 йилда товар айирбошлаш операциялари доирасида маҳсулот етказиб бериш ҳажми кўпайди ва 4,3 миллион сўмни ташкил этди.

Ташқи савдо бирлашмалари йўли билан товар айирбошлаш операцияларини амалга ошириш чоғида кўпинча умумдавлат аҳамиятидаги товарлар (пахта, канап, пилла, минерал ўғит) экспорт қилинади, четдан эса асосан халқ истеъмоли моллари харид қилинади. Капиталистик мамлакатлар билан савдо-сотиқ операциялари экспорт маҳсулотлари етказиб бериш ва четдан маҳсулотлар харид қилишнинг ўсиши билан ифодаланди. Ана шу мамлакатларга маҳсулот экспорт қилиш чет эл валютасида 9,7 миллион сўмни, четдан маҳсулот харид қилиш эса чет эл валютасида 5,4 миллион сўмни ташкил этди.

Республика территориясида 12 та қўшма корхона рўйхатга олинди. Уларни ташкил этишда 12 та мамлакат фирма ва ташкилотлари иштирок этди.

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш давлат планига, СССР халқ депутатлари иккинчи съездининг қарорига биноан республика меҳнат коллективлари олдига уларнинг ўз ишлари натижадорлигини ошириш вазифалари қўйилди. Фақат виждонан қилинган унумли меҳнат 1990 йилги топшириқлар муваффақиятли бажарилишига кўмаклашади ва республикани ўн учинчи беш йилликда самарали ривожлантириш учун моддий омилларни вужудга келтиради.

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети

Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги олдидан

БУЮК ШЕЪРИЯТГА АВЛОДЛАР ЭҲТИРОМИ

● Келаси йили ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири, қомусий билим соҳиби ва давлат арбоби, жаҳон адабиётининг тенги йўқ сиймоларидан бири Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги кенг нишонланади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мутафаккир меросининг дунё бадиий маданияти учун аҳамиятини ҳисобга олиб, мазкур шонли юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилганликлари илгари хабар қилинган эди.

Махсус мухбиримиз С. Ҳакимов юбилей комиссиясининг котиби, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти директори Азиз Пўлатович ҚАЮМОВга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Азиз Пўлатович, Алишер Навоий мероси нафақат ўзбек халқи, балки жаҳон бадиий маданиятида ноёб ва бетакрор ҳодисадир. Шу муносабат билан кўпчиликни юбилейга қандай тайёргарлик кўрилаётгани қизиқтиради.

— Аввало шуни айтиш керакки, юбилейни ўтказиш бўйича тайёргарлик ишларига республикамиздаги бу ишга алоқадор барча давлат, илм-фан ва жамоат ташкилотлари сафарбар этилди. «Фан» нашриёти ўзбек тилида Алишер Навоийнинг 20 томлик тўла асарлар тўпламини биринчи бор босмадан чиқаради. Буюк алломанинг «Муншаот» («Мактублар»), «Зубдатут таворих» («Тарихлар хулосаси»), «Насойимул — муҳаббат» («Муҳаббат шабадалари»), «Вақфия» каби насрий рисолалари рус тилига илк бор ўгирилди.

Бошқа нашриётлар ҳам Навоийнинг алоҳида асарлари, шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида монографиялар, очерклар ва тўпламлар нашр этадилар.

Юбилейга тайёргарлик ишларининг бир қисми улуғ инсон хотирасини абадийлаштиришга дахлдор. Байрам кунларигача Тошкентда Навоий мемориал ёдгорлиги ўрнатилади, Ўзбекистон меъморлар уюшмаси, шаҳар ижроқуми, республика маданият министрлиги ва «Китобхон» жамияти меъморий ёдгорлик образи ва уни ўрнатиш жойи учун конкурс эълон қилган эди. Ҳозир конкурс якунланиш арафасида. Самарқандда Навоий таҳсил олган Абул Лайсий гузарини ободонлаштириш шунингдек шоирнинг уй-музейини очиш мўлжалланмоқда.

Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театри композитор М. Бурхоновнинг «Навоий» операсини саҳналаштиряпти. Кинорежиссёр Малик Қаюмов Мир Алишер туғилиб яшаган ва дафн этилган Ҳирот шаҳри ҳақидаги ҳужжатли фильм устида ишлаяпти.

«Ўзбекфильм» киностудиясида тўлиқ метражли бадиий фильм учун икки сценарий тайёр турибди. Уларнинг бири Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятига бағишланган, иккинчиси «Фарҳод ва Ширин» достони асосида.

Шоир Эркин Воҳидов Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган бадиий фильм учун сценарий ёзяпти. Барот Бойқобилов «Навоийнома» шеърий романини тугатди.

Эзгу ишларда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Композиторлар уюшмаси ҳам фаол қатнашяпти. Чунончи, Навоий ҳақидаги энг яхши қўшиқ ва музика асарлари учун, бу асарларнинг энг яхши ижроси учун конкурс эълон қилинади. Юбилей тадбирлари бутун республикада, иттифоқдош ва автоном жумҳуриятлар, мамлакатимиз пойтахти Москва ва қаҳрамон шаҳар Ленинградда ҳам ўтказилади.

— Навоий даҳоси даражасидаги шахслар юбилейи кўпинча жаҳон миқёсида нишонланади. Юбилей комиссиясининг бу хусусда фикри қандай?

— Комиссия СССР Министрлар Советига «Навоийнинг 550 йиллигига» юбилей тантаси, шоир тасвири тушириллган почта конверти ва маркаси чиқариш ҳақида таклиф киритди. Шунингдек, Москва шаҳар ижроия комитетидан шаҳар кўчаларидан бирига, кинотеатр ва кутубхонага Алишер Навоий номини бериш сўралди. Иттифоқимизнинг ЮНЕСКО ишлари бўйича комиссиясидан жаҳон маданиятининг атоқли намояндаси, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик қўйчиси Алишер Навоий 550 йиллигини нишонлаб тадбирлар ўтказиш, 1991 йилни Навоий шеърияти йили деб эълон қилиш бўйича мазкур халқаро ташкилотга расмий илтимоснома билан кириш сўралди.

— Сўзларингиздан маълум бўлдики, тадбирлар кўлами ниҳоятда кенг. Демак, ҳозирдан енг шимариб ишга киришиш лозим. Бажарилаётган ишлар суръати юбилей комиссиясини қаноатлантираднми?

— Афсуски, иш суръати кўнгилдагидек эмас. Баъзи орзу-ниятлар, жумладан Самарқандда уй-музей очиш ва Тошкентда мемориал ёдгорлик зиёратгоҳлари барпо этиш, айниқса алоҳида эътибор талаб қилади. Юбилей кунларигача пойтахтимиздаги А. Навоий номидаги Давлат халқ кутубхонаси биноси ҳам қад ростласа, деган ниятдамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, Навоий бутун ҳаёти ва ижодий фаолиятини инсоннинг бахт-саодати учун курашга бағишлади, она халқини устивор ва фаровон кўриш истагида яшаб ўтди. Шундай экан, юбилей айёми энг аввало, умумхалқ, ҳар бир инсон байрами, шунинг учун ҳам юбилей тантаналарида кенг халқ оммаси фаол иштирок этиши, ҳар бир киши бу бебаҳо ҳазинадан ҳеч бўлмаганда бир дона ҳикмат дурини қалбига, ҳаётига жо этиши лозим.

Бинобарин, юқоридан кўрсатма кутиб ўтирмай, жойлардаги барча ташкилотлар, илм-фан, ўқув даргоҳлари ташаббус кўрсатишлари, навоийхонлик конференциялари, кечалари каби турли тадбирлар ўтказишлари мақсадга мувофиқдир. Навоий «умидим улдурки ва хаёлимга андоқ келурки, сўзим мартабаси авждан қуйи энмагай ва ёзган асарларимнинг тантанаси аъло даражадан ўзга ерни ёқтирмагай» деган эди. Маънавий-аҳлоқий жиҳатдан улуғ устозимиз истаган мартабага кўтарилиш халқнинг ҳар бир ўғил-қизига фарз ва қарздир.

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ

ХЕЧ муболағасиз айтиш мумкинки, ҳар бир ўзбек хонадони, ҳар бир ўзбек китобхони Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг буюк аждодимиз, устод А. Навоий юбилейини нишонлаш ҳақидаги қарорини мамнуният ва қувонч билан кутиб олди.

Гарчанд бу қарорда Навоий ҳазратлари юбилейини ўтказиш ҳақида ҳамма чора ва тадбирлар белгилаб берилган бўлса-да, республика Ёзувчилар уюшмасига олимлар, зиёлилар, оддий китобхонлардан ўнлаб мактублар келмоқдаки, бу мактубларда бобомиз юбилейини янада мазмунли, янада тантанали ўтказиш, уни Навоий ижодини тарғиб қилиш, умуман адабиётимиз байрамига, умумхалқ байрамига айлантириш ҳақида бениҳоя қимматли фикр ва мулоҳазалар билдирилмоқда.

Энг муҳими шундан иборатки, Навоий ижодини, унинг ўлмас асарларини нафақат ўзбек халқи, балки бутун совет халқлари, шунингдек жаҳон халқлари мулкига айлантиришга ҳисса қўшишдир. Маълумки, бобомиздан бизга қолган мерос — инсон қалбининг энг нозик торларини черта олган, одамзотнинг энг юксак, энг инсоний орзу-ҳавасларини, дардларини, кўз ёшларини ифода эта олган, бамисоли офтобдай ёруғ ва жозибали лирикаси, қўшиққа айланиб аллақачон миллион-миллион кишиларни ларзага солган ғазаллари, буюк гуманистик руҳ билан суғорилган беш буюк достондан иборат қомусий «Хамса» асари Шарқ халқлари қалби тўридан, адабиётидан мустаҳкам жой олган.

Ният шуки, жаҳон бадиий тафаккури ривожига бебаҳо ҳисса қўшган бу асарларни Ғарб халқлари ҳам Шарқ халқлари даражасида билсалар.

Ўйлайманки, бугун бу олижаноб вазифа нафақат республика Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари раислигида тузилган юбилей комиссияси ҳайъати, балки бутун зиёлиларимиз, олимларимиз, айниқса, бадиий ижодкорлар олдида турган энг муҳим ва энг муборак вазифалардан биридир.

Яна такрор айтмоқчиманки, Марказий Комитетимиз ва республика ҳукумати бутун ўзбек халқининг истак-орзуларини ҳисобга олган ҳолда жуда катта ва жуда муҳим тадбирларни ишлаб чиқди.

Бугун ҳаммамизнинг, жумладан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси олдида турган энг катта вазифалардан бири бу юксак тадбирларни оқизмай-томизмай амалга оширишдан иборатдир.

Бу қарорни қардош республикалар, Москва ва Ленинград адабий жамоатчилиги ҳам мамнуният билан кутиб олди. Шу кунларда Москва, Ленинград, Киев, Минск, Кавказорти, Ўрта Осиё ва Қозоғистон зиёлилари, жумладан, Ёзувчилар уюшмалари тайёргарлик ишларини фаол бошлаб юбордилар. Москва, Ленинград, қардош республикалар ноширларининг бу оламшумул ишга жиддий эътибор бераётганликлари, айниқса, қувонарли.

Ўзбекистон Давлат матбуот комитети ва Ёзувчилар уюшмаси ҳам қардош республикаларга, Ёзувчилар уюшмаларига, шунингдек, матбуот органларига мактублар йўллаб, уларга Навоий асарлари мажмуалари, улуғ шоирнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби шоҳ асарларининг сўзма-сўз таржималарини тайёрлаб юбормоқда.

Юбилей кунлари мамлакатимизнинг энг йирик «Художественная литература» нашриёти нашр этишни мўлжаллаган Навоий тўрт жилдлик асарларининг 2 жилдини китобхонлар эътиборига ҳавола қилади. Шунингдек, ҳозир «Советский писатель» нашриёти ҳам Навоий асарларини кенг миқёсда нашр этиш устида иш олиб бормоқда.

Маълумки, Навоийнинг ўлмас асарлари унинг 500 йиллик, кейинчалик 525 йиллик юбилейи муносабати билан В. Державин ва Пеньковский, С. Липкин каби таниқли рус таржимонлари, адиб ва шоирлари томонидан таржима қилинган ва Москва, Ленинград нашриётларида чоп этилган. Бу таржимонларни ҳеч камситмаган ҳолда Навоий асарларининг янги таржималарини ташкил этиш ва бу ишга улкан ва истеъдодли таржимонларни сафарбар қилиш вазифаси турибди.

Биз бу муҳим масалага бир қанча чет эллик адиб ва ноширларни ҳам жалб этдик, дейишга ҳақлимиз. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида ташкил қилинган таржима маркази худди шу ниятда ноябрь ойида чет эллик таржимонлар кенгашини чақирди. Бу кенгашга Америка, Англия, Финляндия, Туркиядан ташриф буюрган меҳмонлар, шунингдек, Ҳамза таваллудининг 100 йиллигига меҳмонга чақирилган Венгрия, Туркия, ГФР, Франция адиблари ҳам бу ишга ўз улушларини қўшиш ҳақида катта хоҳиш билдирганлар.

Ҳозир таржима маркази Навоий асарларининг инглиз, немис, фин, турк ва француз тилларига сўзма-сўз таржимаси устида иш олиб бормоқда.

Умид қиламизки, бу анжуманларга ташриф буюрган ношир ва таржимонларнинг ваъдалари қоғозда қолиб кетмайди. Албатта, биз бу ишда янада фаоллик кўрсатмоғимиз даркор.

Навоий таваллудининг 550 йиллик юбилейини ўтказиш шаҳар ижроия комитетидан шаҳар кўчаларидан бирига, кинотеатр ва кутубхонага Алишер Навоий номини бериш сўралди. Иттифоқимизнинг ЮНЕСКО ишлари бўйича комиссиясидан жаҳон маданиятининг атоқли намояндаси, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик қўйчиси Алишер Навоий 550 йиллигини нишонлаб тадбирлар ўтказиш, 1991 йилни Навоий шеърияти йили деб эълон қилиш бўйича мазкур халқаро ташкилотга расмий илтимоснома билан кириш сўралди.

Энг муҳими, бу комиссия жуда кенг миқёсда ўз тадбир ва чораларини белгиламоқдаки, улар ичида Навоий ижодини СССР Ёзувчилар уюшмаси матбуот органлари, СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети томонидан кенг тарғиб қилиш, асарларини чоп этиш ишларини алоҳида назоратга олиш каби қатор хайрли ишлар назарда тутилган.

Энди республика миқёсида қилинадиган ишларга қайтадиган бўлсам, улардан энг муҳими, менинг назаримда, Тошкент шаҳрида Навоий мемориал ёдгорлик зиёратгоҳини барпо қилишдир. Бу мемориал образи ва унга жой танлаш каби масъул иш тезликда умумхалқ муҳокамасига ташланиши керак. Демоқчиманки, бу шундай жой бўлиши керакки, уни зиёрат қилгани келган ҳар бир китобхон — хоҳ ўзбек, хоҳ рус, хоҳ ҳориждан келган меҳмон бўлсин, худди Ҳиротда Навоий туғилиб ўсган жойларга ўзини бир кириб чиққандек ҳис этсин. Адабиётимиз бобокалони асарларини яна бир қайтадан ўқиб чиққандек, унинг бетакрор ва ёруғ қўшиқларини яна бир бор эшитгандек бўлсин.

Ўйлашимча, Навоий ва Қодирий юбилейлари муносабати билан қиладиган ишларимиздан бири улар номи билан аталадиган кўчалар, даҳалар, уларга қўйиладиган ҳайкаллар, яратиладиган боғлар севимли Тошкентимизнинг кўкрагидан жой олиши керак. Токи улар шаҳарнинг ҳамма томонидан яққол кўриниб турсин.

Мен Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг яқинда бўлиб ўтган пленумида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўзбек адабиёти тараққиёти борасида жуда кўп ибратли чора ва тадбирлар белгиланганини, ўтмишда адабий жараёнга билиб-билмай аралашувларга чек қўйиб, том маънода бугунги кун руҳида ғамхўрлик қилаётганини алоҳида уқтириб ўтгандим. Бобомиз Навоий ва А. Қодирий ҳақидаги қарорлар мана шу фикрнинг исботидир. Шу кунларда Ёзувчилар уюшмаси яна бир талай улуғ сиймоларимиз Машраб, Фурқат, Чўлпон, Беҳбудий, Ҳ. Олимжон, Миртемир юбилейларини ҳам нишонлаш тадбирларини белгиламоқда.

Бу тадбирлар халқимизни адабий-маданий меросимиз билан янада яқинроқ таништиришдек эзгу ишга, ўйлайманки, муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Одил ЕҚУБОВ,
Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг биринчи котиби.

ҚУЛАЙЛИК

МАШИНАЛАР ЁРДАМГА КЕЛДИ

● Халқ хўжалигининг турли соҳаларида электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиб ахборот тўплаш ва уларни қайта ишлаш давр, талабига айланган. Республика Дон маҳсулотлари министрлиги ихтиёрида замонавий ускуналар билан жиҳозланган машина зали мавжуд. Бу ерда маҳсулотнинг жўнатилиши ва унинг реализация қилиниши устидан маълумотномалар тўпланади. Магнит лента ларига ёзиб олинган кассеталардаги ахборотлар навбатдаги жараёнларни тезлаштиришга имкон бераётир.

Суратда: Диляра Студеникина ва Темур Раҳматуллаев навбатдаги программани тайёрлаш вақтида.

Р. ШАРИПОВ сурати.

ХОРАЗМ ИНҚИЛОБИГА БАҒИШЛАБ

Ўзбекистонда Хоразм халқ инқилобининг ва Хоразм халқ шўролар жумҳуриятини ташкил топган куннинг 70 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Хоразм вилоятида байрам тантаналарининг жуда катта ва қизиқарли режалари тайёрланган. Қўҳна ўлканинг барча районлари ва шаҳарларида байрам тантаналари ўтмоқда. В. И. Ленин номли Хоразм давлат педагогика институтида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти уюштирган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистондаги кўпгина областлардан, Қорақалпоғистон ва Туркманистондан келган таниқли олимлар маърузалар қилишди. Огаҳий номли Хоразм вилоят театрида жамоатчилик вакилларининг Хоразм инқилоби 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлди. Хоразм вилоят партия комитетининг биринчи секретари Р. М. Худойберганова маъруза қилди.

Хоразм инқилоби ветеранлари — шу воқеаларнинг бевосита қатнашчилари тантанали вазиятда қабул қилинди. Юбилей арафасида Хивада Хоразм маданияти тарихи музейи очилди.

Ўзбекистон пойтахтида ҳам шонли санага бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида ва В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент бўлимида, Ўзбекистон халқлари тарихи жумҳурият музейида ва А. Навоий номли давлат халқ кутубхонасида Хоразм инқилобига, Хоразм вилояти меҳнаткашларининг Совет ҳокимияти йилларида эришган ютуқларига бағишланган махсус кўргазмалар очилди.

Хоразм жумҳуриятининг 70 йиллиги муносабати билан тантаналар давом этмоқда.

ЎзТАГ мухбири.

АХБОРОТ

ЦЕХДА ТЕЛЕВИДЕНИЕ

● «Ўзстройтрансремонт» Ангрен ишлаб чиқариш бирлашмасида саноат телевизион қурилмаси ишга туширилди.

Корхонанинг барча асосий цехларида марказий диспетчер хонасидаги ягона пульт билан боғланган зангори экранлар порлаб, бу ердан технологик операциялар бажарилиши назорат қилиб турилади. Завод телевидениеси ёрдамида цехлардаги таъминот масалалари ўз вақтида ҳал этилмоқда.

ЯНГИ АВТОВОКЗАЛ

● Сирдарё областидаги Зомин район марказида янги автовокзал ишлай бошлади.

Ана шу хушманзара жойда кўпгина санаторий ва дам олиш уйлари жойлашган бўлиб автобус қатнови — у ерга боришнинг ягона воситасидир. Автовокзал йўловчилар ташиш ҳажмини кўпайтириш, қўшимча равишда бир неча олис маршрутлар қатновини йўлга қўйиш имконини беради.

ИНСОН ОМИЛИГА ЭЪТИБОР

● Жиззах аккумулятор заводида стоматология кабинети ташкил этилди.

Корхонада коллектив қабул қилган ҳамда корхона ходимларининг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга қаратилган социал программа изчил амалга оширилмоқда. Бундан илгари заводда шинам ошхона ва бар, магазинлар, «Союзпечать» дўкони очилган эди. Унумли меҳнатдан сўнг саунага тушиб-чиқиш мумкин. Заводга кираверишда эса сменани тамомлаганларни «Икарус» автобуси кутиб туради ва уларни уйларига элтиб қўяди. (ЎзТАГ).

● *Фавқулодда вазият*

БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ЯНГИ ТАДБИРЛАР

● Боку, 2 февраль. (Озаринформ — ТАСС мухбирлари). Шаҳар аҳли аста-секин иш маромини оширмоқда. Боку коменданти В. С. Дубиняқнинг хабар беришича, ўтган кеча нисбатан осойишта ўтди.

Кўпгина корхоналарда бўлиб ўтган митингларда Бокунинг байналмилалчилик анъаналарини асраб қолиш учун барча ишларни қилишга даъват янгради.

«Норд» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари мамлакатнинг кўпгина шаҳарларига телеграммалар юборишиб, фожиали воқеалар чоғида Озарбайжонни тарк этган кишиларни республикага қайтиб келишга чақирдилар. Темир йўлда вазият мураккаб бўлиб турганлигини ҳисобга олиб, ушбу коллектив Боку меҳнаткашларига ҳам мурожаат қилиб, уларни шанба куни вагонлардан юкни тушириб олишда фаол иштирок этишга чорлади. Пайшанба куни бўлиб ўтган йиғилишда Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Н. Муталибов нутқ сўзлади.

Озарбайжон ССР Министрлар Советида Арманистондан ва Тоғли Қорабоғ автоном областидан келган қочоқлар муаммосига бағишланган кенгаш бўлди. Мазкур кенгашда министрликлар ва идораларнинг, халқ депутатлари Боку шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг, ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг раҳбарлари, республика Министрлар Советининг масъул ходимлари, республика қочоқлар жамияти правлениесининг аъзолари иштирок этдилар. Кенгашда қочоқлар ҳақида ғамхўрлик қилиш бутун Озарбайжон халқининг юмуши бўлиши керак, деб таъкидланди.

Кенгашни республика Министрлар Советининг Раиси Г. А. Гасанов бошқариб борди.

● Нахчиван. Январь ойида содир бўлган воқеалар автоном республика иқтисоднётига салбий таъсир кўрсатди. Нахчиван статистика бошқармасининг хабарига қараганда, иш ташлашлар сабабли республика халқ хўжалиги қарийб икки миллион сўмлик зиён кўрди.

● Мингечаур. Шаҳар осойишта бўлиб турибди, ҳаёт изга тушмоқда. Иш бошлаган коллективлар кўпаймоқда.

● Степанакерт. Тоғли Қорабоғ автоном областида иш ташлаш давом этмоқда. Ҳарбий комендатура вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган чораларни кўряпти.

Фавқулодда ҳолат эълон қилинган барча районларга ҳарбий комендантнинг ақл-идрок билан иш тутиш ва ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликка чақирувчи мурожаатномаси юборилди.

Регионда паспорт режимини текшириш давом эттирилмоқда, қонунга хилоф тарзда асралаётган қурол-яроғ тортиб олинмоқда.

СССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ МАЪЛУМОТНОМАСИДА

● Озарбайжон ССРдаги вазият аста-секин изга тушмоқда. Аммо давлат статистика комитетининг маълумотларига кўра иш ташлаш сабабли жами корхоналарнинг 48 фоизи ишламаяпти.

Хонлар районида аҳоли ўз ихтиёри билан 12 та қуролни топширди. Нахчиван АССРда милиция ходимлари 19 та хонаки граната ва 42 килограмм портловчи моддани мусодара қилдилар.

● Арманистон ССРда қурол-яроғни қўлга киритиш мақсадида қуролли ҳужумлар содир бўлди. Гукасян район ички ишлар бўлимига ҳужум қилиниб, 20 та турли қурол қўлга киритилган эди. Кўрилган чоралар туфайли шу қуролнинг катта қисми қайтариб олинди.

Ереванда ва республиканинг бошқа кўп районларида қурол-яроғ топшириш давом этмоқда. Арташат райони аҳолиси энг кўп миқдорда қурол-яроғ, яъни 26 та ўқ отар қурол ва 1800 та ўқ топширди.

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ

Тожик тилида газета

● Область партия комитети ва халқ депутатлари область Советининг органи — «Овози Самарқанд» область газетаси — янги вақтли нашрининг биринчи сони тожик тилида босмадан чиқди.

Газетанинг биринчи сонида Самарқанд районида уйжой қурилиши программаси қандай бажарилаётгани ҳақида, саноат, маориф, маданият янгиликлари тўғрисида, республика халқ депутатлигига номзод Акром Худойқулов ҳақида ҳикоя қилинган, Тожикистон ва Ўзбекистон ёзувчилари ҳамда шоирларининг газета чиқиши муносабати билан табриклари, бошқа материаллар ҳам босилган.

(ЎзТАГ).

ФЕСТИВАЛГА СОВҒА

● «Еш гвардия» драма театрида Ўзбекистон театрларининг II фестивали арафасида янги асар премьераси бўлган эди. Турк драматурги Тургун Узакман асари асосида анқаралик режиссёр Юджель Ертен саҳналаштирган бу комедия турк ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Спектаклни томоша қилган фестиваль ташкилотчилари уни анжуман иштирокчилари ва меҳмонларига конкурсдан ташқари намойиш этиш ҳақида таклиф қилдилар. Таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

Суратда: «Гўзаллар ва миршаблар» спектаклидан бир саҳна.

С. КАГАН сурати.

ФУТБОЛ

БИРИНЧИ УЧРАШУВДА

● ФАРҒОНА [телефон орқали]. Олий ва биринчи лига командалари мавсумга ҳозирлик кўрмоқдалар. Беш команда Фарғонага тўпланди. Бу ерда «Нефтяник» спорт клубининг соврини учун анъанавий мавсумолди турнири бошланди. Майдон эгалари — «Нефтяник» футболчилари Тюменнинг «Геолог» коллективи билан учрашиб, 2:1 ҳисобида муваффақият қозонишди. 22-минутда фарғоналик Хмариков ҳисобни очди. Орадан 23 минут ўтиб, Феоктистов ҳисобни тенглаштирди. 75-минутга борганда Гўшумов майдон эгаларига ғалаба келтирди.

Пахтакорчилар «Помир» футболчилари билан учинчи марта куч синашдилар. Маълумки, Душанбеда ўтказилган ўйинда майдон эгалари устун келишган эди. Тошкент областининг «Политотдел» колхози стадионида ўтказилган учрашувда пахтакорчилар ғалаба қозонишди. Фарғонада бўлиб ўтган ўйинда эса помирчиларнинг кўли баланд келди. 6-минутда 11-метрлик белгидан Раҳимов тўпни дарвозага йўллаган бўлса, 8-минутда Бозоров командадошлари ғалабасини мустаҳкамлади. Пахтакорчилар майдонга қуйидаги составда тушдилар: Яновский, Ковшов (Тихонов), Билолов (Рўзимов), Микляев, Денисов, Огонесян, Бондаренко, Концевенков (Усмонхўжаев), Галиев, Шквирин, Кабаев. Шуни ҳам айтиш керакки, «Пахтакор»дан кетган Постнов билан Мухадов помирчилар сафида майдонга тушдилар.

Мавсум арафасида биринчи лига коллективларининг ўйинлар календари ҳам маълум бўлди. «Пахтакор» дастлабки даврада 10 та учрашувни ўз майдонида ўтказса, ҳал қилувчи даврада битта ўйин кўп ўтказади. Футболчиларимиз мавсумни сафарда «Зенит» командаси билан ўйиндан бошлашади. Бу учрашув 7 апрель куни бўлади. Тошкентда дастлабки учрашув 17 апрелга мўлжалланган бўлиб, шу куни пахтакорчилар «Нистру» коллективини қабул қилишади.

Х. АҲМАДЖОНОВ.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Р. — 04069. № 30. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12